

**ХИЗМАТГА  
МУНОСИБЛАР  
ТАНЛАБ  
ОЛИНДИ**







**АБУ АЛИ ИБН СИНО  
ВА МИРШАБ СУҲБАТИ**



**ТАНГЭМГА  
МАҲЛИЁ  
БЎЛИБ...**

**ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!**



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 23 декабрь, шанба • 51(3685)-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ  
КОДЕКСИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда), куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

**1) 223-модданинг биринчи қисми санкциясидаги** «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 224-модданинг:**  
**биринчи қисми санкциясидаги** «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми санкциясидаги** «етмиш беш бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми санкциясидаги** «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар «икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Респуб-

ликасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда), **225-моддасига** куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «ўн бараваригача» деган сўзлар «эллик бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «беш бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар «йигирма бараваридан юз эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваридан юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирад.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида**

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 30 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 30 декабрь дам олиш

куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 22 декабрь

**ИНСОНПАРВАРЛИК  
ТАМОЙИЛИ АМАЛДА**

*Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ тасарруфидagi жазони ижро этиш муассасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорнинг ижроси бўйича маросим бўлиб ўтди.*

Унда ўта оғир жиноятларни содир этмаган, биринчи марта овозликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган 29 нафар аёл жазони ўташдан озод этилди.

— Жазони ижро этиш муассасамизда маҳкумларнинг биринчи гуруҳига, яъни 29 нафар аёлга инсонпарварлик далолатномасини қўлладик, — дейди муассаса бошлиғи, подполковник Раъно Ташходжаева. — Улар келгусида жамият, оиласи, халқи учун нафи тегадиган, фойдали меҳнат билан машғул бўлишлари лозим. Шу мақсадда жойлардаги ички ишлар идоралари, Ижтимоий кўникма марказлари, турар-жойларидаги маҳалла кўмиталарига бу аёлларга яқиндан ёрдам бериш учун муассаса маъмурияти томонидан тегишли ҳужжатлар юбордик. Улар энди бу қилмишидан хулоса чиқариб, ҳаётдаги ўз ўринларини топишади деб умид қиламиз.

— Мен бугун жудаям хурсандман, шунинг билан афсусдаман, — дейди биз билан суҳбатда тошкентлик Д. Шотурсунова. — Хурсандлигим сабаби, амнистия тўғрисида озодликка чиқмоқдам. Афсуслигим эса юзим қора бўлди, беш йилча озодликдан маҳрум этилган эдим. Мана, сак-

киз ойдан сўнг озод бўлаётман. Энди қайта жиноят кўчасига қадам босмайман. Ўзимга тегишли хулоса чиқардим.

— Суд ҳукми билан уч йилга озодликдан маҳрум этилган эдим, — дейди яна бир маҳкум М. Маликова. — Беш ой шу ерда

ўтирдим. Президентимизга раҳмат, мана, озодликка чиқдим. Касбим — дизайнер-модельер. Худо хоҳласа, ҳаётимни янгидан бошламоқчиман. Ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимизга зарар эмас, фойдам тегишини хоҳлайман.

Ҳа, озодликка чиқарилаётган маҳкум аёллар, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт бошлашади. Истагимиз, энди улар ҳеч қачон аёллик шайини, латофати-ю назокатини қора чизгилар билан бўямасин.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**



**Анна Шеглова:**

— Юртбошимиз ва ҳукуматимизга бизга кўрсатилган инсонпарварлик ва бағрикенглик учун ташаккур. Мана, бугун яна эркин ҳаёт оstonасидаман. Эндиги мақсадим, ҳамюртларимизнинг ишончини қозониб, Ватанинг муносиб фарзанди бўлиш!

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 15 декабрь  
№ ЎРҚ — 70.

## ТАЙИНЛАНДИЛАР:

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, подполковник Ниғматулла Ҳамидуллаевич Ҳасанов.

Ниғматулла Ҳамидуллаевич Ҳасанов 1965 йил 16 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1985 йилда ИИБ Тошкент олий мактабида омбор мудир вазифасида бошлаган.



1991-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармасида терговчи, катта терговчи, ўта-муҳим ишлар бўйича катта терговчи вазифаларида хизмат қилган. 2003-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекциясининг катта тезкор вакили вазифасида ишлаган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ўткир Турғунович Ханжаров.

Ўткир Турғунович Ханжаров 1958 йил 3 декабрда Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1979 йилда Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ИИБ ҳузуридаги мотозвод милиционер вазифасида бошлаган. 1981-1987 йилларда Ўртачирчиқ тумани ИИБ ҳузуридаги мотозвод ҳайдовчи-милиционер, махсус комендатура навбатчисининг ёрдамчиси, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг инспектори вазифаларида, 1987-1993 йилларда Ўртачирчиқ тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлими бошлиғи, Ўртачирчиқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган. 1993-2002 йиллари Тошкент вилояти Паркент тумани ИИБ бошлиғи, Тошкент вилояти ИИБ ЖКБ бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБ бошлиғи, Жиззах вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Тошкент вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлиғи ўринбосари вазифаларида, 2002-2006 йилларда Тошкент шаҳар Акмал Икромов, Сирғали, Бектемир туманлари ИИБлари бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган.



Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ўктамбой Янгибоевич Бекчонов.

Ўктамбой Янгибоевич Бекчонов 1963 йил 14 октябрда Хоразм вилояти Урганч туманида туғилган. Маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишларда хизматни 1984 йилда Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими милиционер вазифасида бошлаган. 1988-1996 йилларда Бекобод шаҳар ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси инспектори, ЖКБ тезкор вакили, участка инспектори, тергов бўлимида терговчиси, ЖКБ бошлиғи вазифаларида, 1996-1999 йилларда Зангиота тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бошлиғи лавозимларида, 1999-2006 йилларда Тошкент тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи вазифаларида хизмат қилган.



# БАҒРИКЕНГЛИК ТАНТАНАСИ

**Инсонпарварлик, бағрикенглик ва кечиримлик ҳалқимизга, миллатимизга хос гўзал фазилатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» эълон қилинган Қарори фикримизнинг далилидир. Мазкур Қарорга асосан амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида биз республика ИИБ ЖИЭББ бошлиғи ўринбосари, подполковник Норбобо Раҳимов ҳамда республика ИИБ ҲООББ бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматов билан суҳбатлашдик.**

**Н. Раҳимов:** — Республика-мизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва, айниқса, жиноий жазоларни либераллаштирилишига қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимиз янада ривожланишида алоҳида ўрин тутиши барчамизга маълумдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қабул қилинган Қарори халқимизнинг мурувватли эканлигини ва қонундан четга чиққан шахсларга нисбатан инсонпарварлик кўрсатилаётганини, уларга жамият олдида ўзини оқлаш ҳамда янги ҳаётни бошлаш учун имкон яратётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Амнистия тўғрисидаги бу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори билан эълон қилиниши, жамиятимизнинг ҳуқуқий демократик давлатни қуришга қаратилган мустақкам йўлдан изчил бораётганлигига, халқимизнинг давлат бошқарувидаги тутган ўрни янада кенгаётганлигига яққол далилдир.

Бугун бизнинг олдимизга биргина умумий вазифа қўйилган бўлиб, у ҳам бўлса, ички ишлар ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мазкур Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 4 декабрдаги Қарори талабларини бекаму қўст, белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлашдан иборат.

Қарорнинг 1-бандига мувофиқ биринчи марта ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар озодликдан

махрум қилиш, шунингдек, озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод этилади.

Ушбу банднинг «а» кичик банди таъсир доирасига, ёшидан қатъи назар аёллар; «б» кичик банди таъсир доирасига, жиноят содир этганда 18 ёшга тўлмаган шахслар; «в» кичик банди таъсир доирасига, 1946 йил 1 декабрга қадар туғилган эркалар; «г» кичик банди таъсир доирасига, жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет давлат фуқароси бўлган шахслар тушади.

Қарорнинг 2-банди таъсир доирасига, уларга тайинланган жазо тури ва меъеридан қатъи назар,

— эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар;

— биринчи марта судланган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир қилган бўлсалар, тушадилар.

Қарорнинг 3-банди таъсир доирасига:

— амнистия тўғрисидаги Қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан сил касалининг актив формасига (1 ва 2-гурӯх диспансер ҳисобидан) чалинган деб топилган маҳкумлар);

— амнистия тўғрисидаги

Қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар.

Ушбу банд жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 97-моддаси 2-қисми) қўлланилмайди.

Қарорнинг 4-банди таъсир доирасига, содир этган жиноятнинг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазо меъеридан қатъи назар, озодликдан махрум қилиниб, амнистия тўғрисидаги Қарор эълон қилинган кунга ўташ учун муддати икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар тушади.

Ушбу банд жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 97-моддаси 2-қисми) қўлланилмайди.

**Тангри афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутлади.**

Ҳадисдан.

Қарорнинг 5-бандига мувофиқ тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан махрум қилинишига ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод этилади.

Бу тоифадаги тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга уларнинг ёши, жинси ва фуқаролигидан қатъи назар амнистия тўғрисидаги Қарорнинг 5-банди:

— маҳкумнинг содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги аризаси;

сер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларни ҳисобга олиниши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли махсус даволаш муассасаларига жойлаштириш ишлари ташкиллаштирилмоқда.

Ҳомилалар ва ёш болалик аёллар, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, вояга етмаган ва руҳий касалликка дучор бўлган маҳкумларни озод этилиши тўғрисидаги хабар уларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга маълум қилинмоқда.

Озодликдан махрум қилиш жойларидан Қарорнинг 1-банди «г» кичик бандига асосан озод этилган чет эл фуқароларини Ўзбекистон Республикасидан депортация қилиш учун муассасага яқин жойлашган ҳудудий ички ишлар идораларига топшириляпти.

**Ш. Ҳикматов:** — Сенатнинг юқорида таъкидлаб ўтилган Амнистия тўғрисидаги Қарори ички ишлар идоралари зиммасига жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганларга моддий-маиший жиҳатдан ва уларни ишга жойлаштиришда ёрдамлашиш, касалликка чалинганларни даволаш муассасаларига, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, ногирон, ёлғиз қолган, давлат томонидан муҳофазага муҳтож шахсларни қариялар уйига жойлаштириш бўйича кенг қамровли ташкилий ишларни ҳам амалга ошириш каби бир қатор вазифаларни юклади.

Қарорнинг 2-бандини қўллашда агар маҳкум муқалдам судланган бўлса, муқалдам судланиши бўйича жазоларидан қандай озод этилганлиги ҳақида тегишли маълумотлар олингандан сўнг амнистияни қўллаш амалга оширилиши, муқалдам судланганларни судланганлик ҳолати тугаганлигига эътиборни қаратиш лозим.

4-бандига озодликдан махрум қилиш жазосига ҳукм этилиб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахсларни жазодан озод қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур, сабаби бу моддага жазони ижро этиш жойларидан Ўзбекистон Республика-

си Жиноят Кодексининг 74-моддасига асосан ўталмай қолган жазо муддатлари ахлоқ тузатиш иши билан алмаштирилиб, ҳозирда жазони ижро этиш инспекциялари ҳисобида турган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилади, лекин жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно, бундан ташқари Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга ушбу модда қўлланилмайди.

Шу сабабли уларнинг иш жойларидан ишлаганлиги ҳақидаги маълумотларни тўлиқ оқланда сўнг жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш учун прокуратурага ҳужжатлар тақдим этилиши лозим бўлади.

Худди шундай Қарорни 7-бандининг кичик бандларини татбиқ этишда, яъни ўталмай қолган жазо муддатларини а) бандига асосан учдан бир қисмини ва б) бандига асосан тўртдан бир қисмини қисқартиришда маҳкумларни иш жойларидан тўлиқ жазо ўтаган ойлари учун ҳисоб-китоб маълумотлари олингандан сўнг татбиқ этилиши лозим бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, зиммамизга юклатилган асосий вазифалардан яна бири амнистия тўғрисидаги қарорга асосан жазони ижро этиш муассасаларидан, айниқса, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этиб сулланган шахсларни озод этилгандан кейин кутиб олиш, уларга моддий ва маиший масалаларда ҳамда уларни ишга жойлаштириларида ёрдам бериш, юқумли касалликка чалинганларни даволаш учун тиббий муассасаларга, ёлғиз қолган, давлат томонидан муҳофазага муҳтож шахсларни қариялар уйига жойлаштириш, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Қарорга асосан озод қилинган ўсмирлардан ота-онаси ёки уларнинг ўринини босувчилар, боқувчилари йўқларини давлат муҳофазасига олиш, уларни ишга, мактаблар ва коллежларга жойлаштириш масаласидир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ  
ёзиб олди.

# ХИЗМАТГА МУНОСИБЛАР ТАНЛАБ ОЛИНДИ

Ички ишлар идоралари ва тизимлари зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли, самарали бажарилиши, энг аввало, малакали кадрларга боғлиқ. Ҳар бир ходимдан ушбу вазифаларни бажаришда мустаҳкам ирода, юқори касб маҳорати, тартиб-интизом, ғайрат-шижоат ва сабртоқат талаб этилади.

Республика ички ишлар идоралари ва тизимларининг муҳим бўғини ташкил этувчи сафдорлар таркибига масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирги давр ички ишлар идоралари хизматига жисмонан бақувват, билимли, фикрлаш доираси кенг бўлган, Ватани ва халқиға сидқидилдан хизмат қиладиган, юклатилган вазифаларни бекаму кўст бажарадиган йигит-қизларни ҳолисона танлаб олинишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ички ишлар идоралари ва тизимларига номзодлар танловини ягона ёндашув асосида ўтказиш бўйича янги тизим ишлаб чиқилди ҳамда меъёрий буйруқ билан амалиётга жорий этилди.

Ички ишлар идоралари хизматига меъёрий буйруқлар талаблари асосида қобилиятли, билимли ёшларни жалб этиш мақсадида республика, вилоят, шаҳар ва туман миқёсида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар кўмиталари, жойлардаги мудофаа ишлари бўйича бошқармалари, бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фахрийлар кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида, ҳарбий хизматга юборилган чақирув пунктларида учрашувлар ўтказилди. Суҳбат давомида номзодларга қўйилган талаблар, уларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, қабул қилиш тартиби ва шартлари батафсил тушунтирилди.

Жумладан, ички ишлар идораларининг сафдорлар таркиби лавозимларига камида ўрта маълумотга эга, ўзининг одоб-ахлоқи, ҳулқи ва шахсий фазилатларига кўра хизмат қилишга лойиқ деб топилган, бўйбасти талабга жавоб бе-

радиган (эркаклар учун 170 см, аёллар учун эса 165 см), 30 ёшдан ошмаган, ҳақиқий ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақирув резервида ҳарбий хизматни ўтаган республика фуқаролари танлов асосида қабул қилиниши, хизматга кириш хоҳишини билдирган фуқаролар ўзлари яшайдиган ҳудудий ички ишлар бўлимларига (бошқармаларига) бориб, шахсий таркиб билан ишлаш хизматига мурожаат этишлари кераклиги таъкидланди. Бундан ташқари, патруль-пост хизматининг саф бўлинмаларидаги лавозимларга тайинлаш учун танловда қатнашадиган номзодларнинг бўйи 180 сантиметрдан паст бўлмаслиги белгилаб қўйилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, танловда қатнашаётган номзодлар жисмоний тайёргарлик бўйича қуйидаги нормативларни бажаришлари лозимлиги тушунтирилди:

— йигитлар учун — турникда тортилишда «қониқарли» баҳо учун 7-9 марта, «яхши» баҳога 10-13 марта, «аъло» баҳога эса 14 ва ундан ортиқ марта тортилиш; 100 метрга югуришда «қониқарли» баҳо учун 15,0-14,4 сония, «яхши» баҳога 14,3-13,6 сония, «аъло» баҳо учун эса 13,5 сония ва ундан кам вақт сарфлаш; 3000 метрга югуришда эса «қониқарли» баҳо учун 14, 25 — 13, 31 дақиқа; «яхши» баҳога 13,30 — 12,01 дақиқа; «аъло» баҳога 12 дақиқача ва ундан кам вақтда улгуриш;

— Аёллар учун — ком-


эса 34 марта ва ундан ортиқ; 100 метрга югуриш «қониқарли» баҳо учун 17,3-16,9 сония, «яхши» баҳога 16,8-16,3 сония, «аъло» баҳога 16,2 сония ва ундан кам вақт; 1000 метрга эса «қониқарли» баҳога 4,35-4,16 дақиқа, «яхши» баҳога 4,15-4,01 дақиқа, «аъло» баҳога эса 4 дақиқа ва ундан кам вақт давомида югуришлари кераклиги айтилди.

Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБлари тизимларининг сафдорлар таркибидаги мавжуд бўш лавозимларни тўлдириш юзасидан талаб-эҳтиёжлар ўрганиб чиқилиб, патруль-пост, кўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги, жазони ижро этиш ва бошқа соҳавий хизматларининг қабул ўринлари сони белгиланди.



Қабул танловида иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодларнинг соғлиғи ҳолатини аниқлаш мақсадида ҳарбий-тиббий кўрикдан

Дастлабки суҳбат давомида танлаб олиниб, шахсий ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар орасидан энг муносибларини ҳолисона, адолат тамойилидан келиб чиққан ҳолда танлаб



олиш мақсадида Вазирлик қабул комиссияси тузилди. Комиссия таркибига Ички ишлар вазирлиги аппарати соҳавий хизматлари, жойлардаги ти-

лари, яқинлари ҳамда амалиёт ходимларидан иборат кузатувчилар танловга жалб этилди.

Барча ички ишлар идоралари ва тизимларида танлов ягона ёндашув тамойили асосида ўткази-

либ, номзодлар жисмоний тайёргарлик бўйича белгиланган нормативларни топширдилар. Уларнинг ўрта таълим дастури кўламида билим савиясини, ахлоқий-маънавий фазилатларини, фикрлаш қобилиятларини аниқлаш мақсадида тест синовлари қабул қилинди.

Жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар натижалари 0 дан 18,9 баллгача бўлган диапазонда баҳоланди.

Тест синовлари номзодлардан 3 та саволлар мажмуаси кўламида қабул қилинди. Умумтаълим билимлари асосларини аниқлаш учун 36 та савол бўлиб, ҳар бир тўғри жавобга 1,1 баллдан, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича билим савиясини аниқлаш учун 36 та савол бўлиб, ҳар бир тўғри жавобга 3,1 баллдан берилди. Тест синовлари кўп балли баҳолаш тизими бўйича 0 дан 226,8 баллгача бўлган даражада ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБларига ҳар бир соҳавий хизмат учун ажратилган қабул ўринлари кўламида рейтинг тизимида кўра танлов ўтказилди. Жисмоний тайёргарлик

ва тест синовларининг натижаларига кўра юқори балл тўплаган номзодлар танловдан ўтганлар рўйхатига киритилдилар.

Танловда республика бўйича ҳаммаси бўлиб 4280 нафар номзод қатнашди. Улар орасидан энг кучли, пухта билимга эга, қобилиятлилари танлаб олинди. Ҳар бир қабул ўринига бир неча номзоднинг муқобил равишда иштирок этиши таъминланди.

Танловлар жараёнида жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар идоралари фахрийлар кенгаши аъзолари, амалиёт ходимлари, ота-оналар кузатувчи сифатида қатнашдилар. Улар имтиҳон ва тест синовларини ҳолисона, адолатли, яъни таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилмаган ҳолда ўтказилганлигига гувоҳ бўлиб, танловлар адолатли бўлганлигини айтиб ўтидилар ва танлов тизимида ижобий баҳо беришиб, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.


Танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар сафдорлар таркибининг бўш лавозимларига тегишли буйруқлар билан тайинландилар. Уларга белгиланган миқдорда ойлик маоши тайинланиб, мавсумий хизмат кийимлари берилди.

Хизматга янгидан қабул қилинган ходимларга «сафдор» махсус униволи берилиб, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш борасида дастлабки назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишлари, ҳуқуқий билим савиясини ошириши, саф, жанговар тайёргарлик бўйича етарли маҳалаларга эга бўлишлари мақсадида уч ойга мўлжалланган ўқув дастурига кўра бошланғич тайёргарликдан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони талабларига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги Тошкент, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида ҳамда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги Сержантлар таркибининг қайта тайёрлаш ва маҳкасини ошириш марказларида ходимлар билан ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда.

**Б. ПҮЛАТОВ,**  
подполковник,  
**К. МАҲМУДОВ,**  
майор.

Суратларда: танлов  
тадбиридан лавҳалар.



плекс куч ишлатиш машиналарини бажариш «қониқарли» баҳо учун 26-29 марта, «яхши» баҳога 30-33 марта, «аъло» баҳога

ўтказилдилар. Бунда уларнинг бўйи-басти, одоб-ахлоқи, ўзини тута билишига алоҳида эътибор қаратилди.

лари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фахрийлар кенгаши аъзолари ва номзодларнинг ота-она-

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишида Юртбошимиз Ислам Каримов яқинлашиб келаётган 2007 йилни — Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилдилар. Бу мустақиллик йилларида анъанага айланган, ҳар бир йилни бирор мақсад сари йўналтириш учун номланишининг давоми, албатта. Мамлакатимиз ривожланиш пиллапояларида, юқори кўтарилиб борапти. Иқтисодий юксалишининг бош мақсади, аввало, фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришларига эришишдир. Инсон манфаатини кўзлаб қилинган ҳаракатлар жамиятнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.*

«Инсон манфаатлари йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Сиҳат ва саломатлиқ йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ва бошқа қайси бир йилнинг номланишини олмайлик, унинг мазмун-моҳиятида юртимиз фуқароларининг яшаши, турмуши, дам олиш, жамият тараққиёти йўлида меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратиш устувор вазифа эканлиги намоён бўлиб туради. Аслида ҳам ўтган йилларда ана шу мақсад йўлида жуда кенг кўламли ишлар олиб борилди. Йиллар бир-бирига эстафетани топширар экан, халқимиз фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар бардавом бўлиб қоляпти.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мамлакатимизда, жумладан, ички ишлар идораларида жуда кўп хайрли ва савобли ишлар амалга оширилди. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан фахрийлар, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ногиронлар, ёлғиз қариялар, хизмат вазифасини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам берилди. Айниқса, қутлуг кунларда, байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилгани, меҳр-мурувват кўрсатилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Халқимиз инсон қадриятини баланд тутади. Бир-бирига кўмаклашиш, яхши кунларда қувончига шерик, бошига ташвиш тушганда камарбаста бўлиш асрлар бўйи давом этиб келаётган, қонимизга сингиб кетган инсоний фазилятларимиздандир. Муҳтожларга моддий ёрдам беришни ўзининг инсоний бурчи деб билган, хайрли ишлар қилиб, савоб олиш умидида бўлган ҳамюртлари-

миз кўп. Уларнинг мурувватидан баҳраманд бўлганлар саховатли кишилар ҳаққига дуода бўладилар. Кўпчиликдан, айниқса, бева-бечора, муҳтожлар дуосини олган кишиларнинг иши бароридан келаверади, давлатига янада барака киради.

Давлатимиз томонидан фуқароларга кўрсатилаётган гамхўрликларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида иш ҳақи, пенсиялар, талабалар стипендиялари, ногиронларга бериладиган нафақалар оширилди, кўплаб касалхона, дам олиш уйлари, поликлиника ва бошқа даволаниш масканлари қурилиб, ишга туширилди. Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам қатор шифо масканлари таъмирланди, кенгайтирилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Яқинлашиб келаётган Ижтимоий ҳимоя йилида бундай эзгу ишлар яна давом этади, албатта. Биринчи галда халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват кўрсатиш, хайрли ва савобли ишларни кўпайтириш эътиборда бўлади. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида таъкидлаганларидек, «Албатта, ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибидан асосий ўрин эгаллаши керак».

Республикамиз Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишида йил давомида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича бажариладиган вазифаларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра биринчи галда ёлғиз, кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, балоғатга етмаган болаларга

кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкалари, кексалар ва ногиронлар уйлари, болалар уйлари ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатларни, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволаш муассасаларини таъминлашга сарфланадиган норматив харажатлар миқдори мақбуллаштирилади. Икки ёшгача болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришга эътибор кучайтирилади.

Аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш келгуси йилдаги вазифалардан бири бўлиб қолади. Ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий, моддий ва маънавий мадад кўрсатишда маҳалланинг ҳам ўз ўрни бор. Маҳаллада яшаётган фуқароларнинг ижтимоий аҳволини яхши билган оқсоқоллар, фаоллар муҳтожларга ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, кишиларни хайрли, савобли ишларга жалб этишда ўзбеккона урф-одатлардан фойдаланишга ёрдам кўриш мумкин. Бунини ички ишлар идораларида амалга оширилаётган тадбирлар мисолида кўриш мумкин. Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ходимлари хизмат даврида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига мактаб ўқув-қуроллари совға қилишди. Ҳар йили кўплаб ички ишлар идоралари фахрийлари имтиёзли тарзда дам олиш уйлари, санаторийларда саломатликларини тиклаб келишяпти. Жойларда меҳрибонлик уйлари оталиққа олган хизмат тизимлари тарбияланувчиларга гамхўрлик кўрсатиб, биноларни таъмирлаш, ҳовли-боғларда ҳашар уюштиришади.

Муҳтож оилаларга, ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим-есирларга моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг кўнглини кўтариб, ҳаётга бўлган муҳаббатини кучайтириш миллий менталитетимизга хосдир. Ижтимоий ҳимоя йилида бундай хайрли, савобли ишлар янада кўпаяди, албатта. Чунки, аҳолининг ночор қатламини, умуман, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат назоратида бўлган муҳим масаладир. Келаётган йилда бу борала янада кенг кўламли ишларни амалга оширишга бел боғлайлик.

С. АБДУЛЛАЕВ.

2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

*Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида яқинлашаётган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Фахрийлар, хизмат вазифасини ўташ чоғида вафот этган ҳамда ногирон бўлиб қолган ходимлар ҳолидан тез-тез хабар олиб турилади.*

## ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Истеъфодаги катта лейтенант Қадамбой Маткаримов узоқ йиллар вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида сидқидилдан хизмат қилган. Оғир хасталик уни тўшаққа миҳлаб қўйди. Аммо ҳамкасблари Қадамбой акани ёлғизлатиб қўймаптилар.

Яқинда узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган катта сержант Султон ота Оллаберганов, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги капитан Раҳимбой ота Юсуповлар юбилей тўйларини нишонладилар. Вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда Фахрийлар Кенгаши бу ишларга ҳамиша бош-қош бўлиш билан бир қаторда уларнинг фидойи хизматларини ёш авлодга етказишда ҳам жонбозлик қилишмоқда.

— Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак, деган шиор бугун барчамизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиб қолмоқда, — дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги подполковник Қўзи Давлетов. — Ўтказилаётган ҳар бир тадбирларимизда фахрийлар ҳамда ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш доимий иш режамизга киритилган. Хайрли ва савоб ишларни келаётган Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам давом эттираимиз.

Худойберган ЖАББОРОВ.



**СУРАТДА:** Хоразм вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Шавкат Отажонов (чапда) йўл назорати бўлини маси бошлиғи, подполковник Илҳом Маткаримов билан ички ишлар фахрийси, истеъфодаги катта лейтенант Қадамбой Маткаримов хонадонида бўлиб, унинг ҳолидан хабар олишмоқда.

Мирзабой АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

## НОГИРОНЛАРГА ЭЪТИБОР

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да Фарғона вилояти ички ишлар идораларида хизмат даврида ногирон бўлиб қолган 25 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Фахрийларнинг ҳар бирига вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан ажратилган 20 минг сўм миқдоридagi моддий ёрдам топширилди.

Вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, майор Замиржон Исмоилов, вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Абдуғаффор Сатторов, Хотин-қизлар кенгаши раиси, капитан Нурхон Жўраева Зоя Королева, Ҳошимжон Тўхтасинов, Расулжон Юнусов каби фахрийларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнглини кўтардилар.

Б. ОМОНЗОДА.

# ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ПАҚИЛДОҚЛАР

Янги йил арафасида айрим тадбиркорлар мўмай даромад ишлаб олиш илжини қонунга хилоф иш тутиб, темир йўл ёки айланма йўллар орқали мамлакатимизга турли хил пақилдоқларни олиб киришга уринмоқдалар. Транспорт ИИБ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган режага асосан соҳавий хизматлар ходимлари томонидан уларга мустаҳкам гов кўйилмоқда. Тармоқ ИИБлар ҲООБ, ППХ ва ЖТСБ, ЁХБ, ЖҚ ва УЖҚ-КБлари вакиллари «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК тизимидаги корхона, ташкилот ва темир йўл бекатлари, маҳаллалар, темир йўлга яқин жойлашган ўқув юрларида учрашувлар ташкил этиб, махсус сертификати бўлмаган пиротехника маҳсулотларини республика ҳудудига кириб келиши, сақланиши, сотилиши ҳамда улардан фойдаланиш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб боришга апти. Биргаликда ўтказилган рейдлар давомида

пиротехника маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида олиб юрган 13 нафар фуқаро ушланиб, улардан 247 қути турли хил пақилдоқлар мусодара қилинди.

Жумладан, Ховос темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари 6 декабрь кун Сирдарё бекати худу-



дида сирдарёлик Бахтиёр Азизовнинг қўл юқини текширишди. Шунда у 200 дона пиротехника воситаларини сотиш учун Қозғистон Республикаси Етгисой бозоридан олиб келганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Бахтиёрга 12420 сўм миқдорда жарима солинди.

Янги йил яқинлашаётган бир пайтда Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимлари ҳам хушёр-

ликни оширишди. Улар Бухоро бекатида 5206-сонли «Бухоро-Қоровулбозор» шаҳарлараро қатновчи поезд йўловчиси, Шофиркон тумани, Бобур жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Шўрат Бобожоновнинг қўл юқини текширишди. Бу фуқаро 100 қути, жами 6000 дона «Трения» пиротехника воситаларини Бухоро шаҳридаги «Дилкушо» бозоридан сотиб олганлиги маълум бўлди.

Кўқон темир йўл бекатида Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Кум қишлоғида яшовчи Хайрулло Маҳкаммов гумонланиб текширилди. У 20 қутидаги 1200 дона «Титаник» номли пиротехника воситасини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида олиб кетаётган экан. Х. Маҳкаммов 12420 сўм миқдорда жаримага тортилди. Шу темир йўл бекатида Кўқонлик Шерзод Хўжакедиев 2400 дона «Человек паук» номли пиротехника воситасини олиб кетаётганда ушланди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Афсусланарли томони шундаки, турли пақилдоқлар савдоси билан шуғулланаётган шахслар қонунбузарликка йўл қўйиш билан бирга, болаларнинг соғлиғига зиён етказишлари, мушакбозликлар оқибатида ёнгин келиб чиқишига сабабчи бўлишлари мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

**А. МАННОПОВ,**  
подполковник.

# МАЙСА ПАЙҲОН БЎЛМАСИН

Фаллакорларимиз томонидан яхши ният билан экилган бугдойлар аллақачон бўй кўрсатди. Ям-яшил далаларни кўрган кишининг дили қувонади. Бироқ айрим далалардаги ҳунук ҳолатлар, яъни пайҳонгарчиликлар жиддий ташвишга солади. Хоразм вилояти бўйича 500 нафар дала қоровуллари галлазорларни кўриқлаши кераклиги қоғозга битилган. Айрим жойларда эса бу муҳим иш фермерлар ва галлазор эгалари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мана бу мисолларга эътибор беринг. Хонқа тумани «Дўстлик» фермерлар уюшмасида яшовчи Жаҳонгир Абдуллаев ва Маткарим Сапаевларнинг 3 бош қорамоли «Умрбек-Бойжон» фермер хўжалигидаги галлазорни пайҳон қилаётгани профилактика инспектори, катта лейтенант Тўлқин Жуманиёзов томонидан аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Хива туманининг Рўздат Мадаминов номидаги фермерлар уюшмасида яшовчи Илҳом Жуманазаров, Аҳмад Хусаинов, «Беруний» номидаги дехқон фермерлар уюшмасида яшовчи Шоназар Бобожонов, Огаҳий номидаги фермерлар уюшмасида яшовчи Дониёр Матмуродов, «Қорақум» фермерлар уюшмасида яшовчи Ботир Болтаевларнинг қорамоллари бугдойзорни пайҳон қилганлиги учун тегишли ҳужжатлар тўпланиб, Хива тумани судига топширилди.

Янгиариқ туманидаги «Чиқирчи» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги мутасаддилар ҳам пайҳонгарчиликнинг олдини олиш борасида фақатгина қоғозда иш кўришганга ўхшайди. Дала қоровуллари бу ишга жиддий киришмас эканлар, ризқ-рўзимиз бўлган бугдойдан кўзланган ҳосилни олишлари дургумон. Балки айрим фермерлар энди гафлат уйқусидан уйғониб, ҳақиқий ер эгалари эканликлари эсига тушар!

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**

## ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

*Сирдарё вилояти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимларнинг касбий жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Зеро, ҳар бир ички ишлар ходимининг соғлом, бақувват бўлиши, ҳар қандай фавқулодда ҳолатга шай туриши хизмат самарадорлигини кафолатлайди.*


Вилоятнинг барча шаҳар ва туман ички ишлар идораларида жанговар ва хизмат тайёргарлик машғулотлари кўп йиллик иш тажрибага эга бўлган маъсул раҳбарлар назаротида махсус ўқув хоналарида олиб боришмоқда.

Жойларда жамоат тартибини сақлаш ва осойишталикни таъминлаш, вужудга келган фавқулодда ҳолатларда шахсий таркибнинг тўғри ҳаракатланиши, белгиланган вазифалари тез ва мукамал бажаришларини такомиллаштириш, шахсий

таркибнинг жанговар тайёргарлигини талаб даражасига етказиш мақсадида белгиланган режага асосан ўқ отиш машғулотлари ўтказилди.

Яқинда эса вилоят ИИБда ички ишлар идоралари ва тизимлари ходимларининг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича машғулотларнинг сифатини ва самарасини ошириш мақсадида бир кунлик семинар уюштирилди.

**А. ОДИЛОВ,**  
лейтенант.



Суратда: вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, майор Қаҳрамон Қулматов ўқ отиш куралини қисмларга ажратиб ва йиғиш бўйича ходимларнинг билимини синая кўрапти.

*Ҳозирги кунда уяли алоқа телефони ҳаётимизга чуқур кириб бораётти. Лекин автомобилни бошқараётган ҳайдовчининг ушбу воситадан фойдаланиши кўнгилсизликлар келтириб чиқариши мумкин. Инсон бир пайтда бир қанча вазифани бажара олишини биламиз. Бироқ ҳаммининг ҳам имконияти, қобилияти бир хил эмас. Хаёли, фикри, диққати ўзга қаратилган ҳайдовчининг йўл ҳаракати қодаларига амал қилган ҳолда руль бошқарошига ким кафолат бера олади?*



## УЯЛИ ТЕЛЕФОН ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳайдовчи ҳар хил вазиятларда, яъни турли йўллар ва об-ҳаво шароитида қодаларга риоя қилиши, пиёдалар ҳамда бошқа автомобиллар ҳаракатини кузатиши, автомобиль тезлиги ва бошқа бир қанча ҳолатларга эътибор қаратиши керак бўлган бир пайтда яна уяли телефонда суҳбатлашиши... Суҳбат мавзусига қараб инсон руҳияти ўзгаради, бу эса унинг жисмоний ҳаракатига таъсир қилади. Айтайлик, тирбанд чорраҳада кетаётган ҳайдовчи телефон орқали яқин кишининг нохуш аҳволи ёки фалокати ҳақида хабар эшитди. У бирданига таъсирланиб, ҳаракатни тўхтатиб қўйиши ёхуд тезликни ошириб юбориши мумкин. Ёки ҳаракат гавжум жойларда тўхтаб қолишлар, тезлик бирдан оғирлашиб юборилиши, йўлчилик ишоралари, йўл белгилари, пиёдалар ҳара-

катини эътибордан қочириб ҳолатлари вужудга келиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши эҳтимоли ошяпти.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2006 йилнинг ўтган 11 ойи давомида ҳайдовчиларнинг ҳаракат давомида турли сабабларга кўра қалғишлари натижасида кўплаб ҳодисалар қайд этилган. Ваҳоланки, ҳозирги кунда транспорт бошқараётганда телефондан фойдаланиш ҳайдовчини чалғитувчи асосий омилга айланиб бормоқда.

Хорижий мамлакатларда рулда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш анча илгари тақиқланган. Ва бу ҳолат қондабузарлик ҳисобланиб, маълум даражада жарима ундирилади. Интернет маълумотларига қараганда, Францияда руль бошқараётган уяли алоқадан фойдаланиш 50-70 АҚШ доллари миқдо-

рида моддий зарар келтиради. АҚШликлар 150 АҚШ доллари тўлайдилар. Польшада бу ҳолат анча жиддий қондабузарлик ҳисобланиб, жарима миқдори 1200 АҚШ доллари гача белгиланган. Португалияда эса транспорт воситасида телефондан фойдаланиш 25 АҚШ доллари гача жаримага сабабчи бўлиши белгилаб қўйилган. Германия ва Россияда ҳам жарима миқдори анчайин катта.

Олимларнинг фикрича, ушбу ҳолатда автомобиль бошқаришда йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш эҳтимоли 6 бараваргача ортар экан. Мельбурн университетининг профессори Кона Стоуннинг хулосасига кўра, одатда уяли алоқадан кўп фойдаланган инсонлар миясида қатъиятсизлик, ҳаракатида сустлашиш кузатилади. Бунга электромагнит тўлқинлари сабаб-

чи бўлади. У 120 нафар кўнгиллида тажриба ўтказганида, 70 фоизда ушбу ҳолатни кузатган. Биз биламизки, қатъиятсизлик, суст ҳаракат йўл-транспорт ҳодисасининг аянчи оқибатларини келтириб чиқаради.

Республикамизда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилиб, транспорт воситаларини бошқариш чоғида ҳайдовчиларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланиши муносабати билан автофалокатлар юз бериш эҳтимолини камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкни ҳимоя қилиш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрда «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унга асосан, 2007 йил 1 январдан бошлаб ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиши тақиқланади. Қарордан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу Қарор ҳозирги шароитда тўғри ва ўз вақтида қабул қилинган, деб уйлаймиз. Энди ҳайдовчилар рулда эътиборлироқ бўлишса, ажаб эмас.

**А. СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**  
республика ИИБ ЙҲХББ  
бўлим бошлиғи,  
подполковник.

ЗИЁ

# АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА МИРШАБ СУҲБАТИ

Машҳур шифокор Абу Али ибн Сино оғир дардга чалинган бир кишини даволабди. Бунинг учун у киши миннатдорчилик билдириб шундай дебди:

— Табиблар «касалингга даво йўқ, кўпи билан бир ойлик умринг қолди» дейишган эди. Ўлганимда олти фарзандим етим қоларди. Сиз туфайли соғайиб кетдим, яхшилигингизни умрбод эсдан чиқармайман. Нима хизмат бюрсангиз бажонидил бажаришга тайёрман. Миннатдорчилигим рамзи сифатида шу кичик совғамни олсангиз.

— Совғангизни олмайман. Ўз вақтида сиз ҳам менга яхшилик қилгансиз, — деб жавоб қилибди улуг ҳақим.

— Кечирасиз, балки мени кимгадир ўхшатаётгандирсиз. Негаки, сиз билан илгари бевосита учрашган эмасман. Сиз менга дори-дармон бериб, бир неча кун овора бўлдингиз.

— Сиз билан сўзлашмаган бўлсам ҳам-да, сизни яхши биламан. Сиз донғи чиққан Ботир исмли миршабсиз. Бир пайтлар қишлоқ мингбошисиникига бемор кўргани кетаётганимда бозорга ҳам кирдим. Бу ерда кайфи ошган иккита безори мени урмоқчи бўлганда, бир савдогар уларни роса савалади. Сўнгра унинг ўзи қаёқадир

гойиб бўлди. Ҳатто унга миннатдорчилик изҳор этишга улгура олмадим. Шу пайт мингбоши келиб ноҳуш воқеа рўй берибди, деб узр сўради.

Унинг айтишича, безориларни урган савдогар аслида Ботир исмли миршаб, яъни сиз бўлиб чиқдингиз. Сиз махсус топшириқ билан хавфли жиноятчини тутиш мақсадида савдогарлик қилиб юрган экансиз. Иккинчи воқеани ҳам эслатаман. Беморни даволаш ниятида Самарқандга кетаётганимда йўлда икки дарвешнинг мени зимдан кузатаётганини пайқадим. Бир вақт отим дардга чалиниб юра олмай қолди. Шунда ўша дарвешнинг бири қаёққадир гойиб бўлди. Маълум вақтдан кейин атрофдаги қишлоқ оқсоқоли унинг кузатувида от, сув ва озиқ-овқат келтирди. Кейин билсам, бу дарвеш ҳам сиз экансиз.

— Тўғри, хоннинг кўрсатмасига мувофиқ мен ва шеригим сизнинг хавфсизлигингизни таъминлашга сафарбар қилинган эдик.

Юқорида қайд қилганимиздек, мен сизни икки ҳолатда, яъни савдогар ва дарвеш қиёфасида учратдим. Сизни элчининг ёрдамчиси сифатида чет мамлакатга борганингизни ҳам эшитганман.

— Бизнинг касбимиз шундайки, зарурат туғилса савдогар, деҳқон, мардикор, ҳаммол ва бошқа кишилар қиёфасида иш юритамиз. Бироқ, бизлар ўз хизматимизни ниҳоятда сир тутамиз.

— Ботиржон баданингиздаги доғлар ниманинг асорати?

— Кечаси шерикларим билан кўчада бурчимизни адо этаётганимизда бир аланга кўзга ташланди. Мен дарҳол ёнаётган эшикни ёриб, хонага кириб икки болани қутқарганман. Шунда куйганман.

— Баракалла, том маъноси билан Ботир экансиз. Бунақанги исми жисмига тўғри келадиган одамлар кўп эмас. Мен саройда амалдор билан суҳбатда бўлганимда миршаблар ҳақида сўз очилиб вазир: Миршаблар давлатимизнинг кўз-қулоғи ва халқ осойишталигининг посбонларидир. Улар орасида софдил, иродали ва сезгир кишилар бор. Масалан, Ботир исмли миршаб шулар жумласидандир. Бу миршаб ниҳоятда жасоратли ва мард. У ўз касбининг шу даражада билимдоники, жиноятчиларни қилни ҳамирдан суғургандек қўлга туширади. У бор жойда жиноятчилар ўз-ўзидан гойиб бўлишади. Шунинг учун ха-

лойиқ миршаб Ботир хизматидалигида кўчада бемалол юриш, эшикка тамба қўйилмаса ҳам бежавотир ётиш мумкинлиги ҳақида гапирдилар. Мен ўзим Ботир миршабсиз тунда кўчага чиқмайман. Миршабларда бир хусусият борки, у бошқа амалдорларда камдан-кам учрайди. Чунончи улар жиноятчилар билан олишувда ўз ҳаётларини қурбон қилишгача борадилар. Масалан, кейинги тўрт йилда ўнта миршаб ҳалок бўлди. Қани айтингларчи, қайси бошқа давлат хизматчилари бу ишни қила олади. Аксинча улар жиноятчиларга дуч келиб қолсалар, бор нарсаларини топшириб, ўлдирмасанглр бўлди, деб тиз чўқадилар. Бундай ҳолатда бир амалдор ўз хотинини ташлаб қочганини эшитганман.

Шу тарзда машҳур табиб Абу Али ибн Сино вазир сўзларини тугатиб дебди:

— Миршаблар одамлар жонини, номусини ва мол-мулкни кўз қорачи-гай муҳофаза қиладилар. Улар жамиятни жиноятчилардан тозалаб, уни соғломлаштирадилар. Шу боисдан мен миршабларни жамият табиблари деб ҳисоблайман. Кўрдингизми, азизим Ботиржон, иккимиз ҳамкасбимиз.

Ботир миршаб баён этилган сўзларни эшитиб, ўзининг ўн йиллар давомида миршабликдан чеккан азоб-укубатларининг бекор кетмаганлигини янада чуқурроқ англабди.

Айниқса, Абу Али ибн Синодек буюк кишининг баҳоси Ботир миршабни тўлқинлантириб, кучига-куч қўшибди. У ўзининг шарафли касби билан фахрланибди.

(Ҳамид Зиёевнинг «Бахтли бўлай десангиз» китобидан).

## ПОСБОНЛАР САРДОРИ

У ўта беғубор йигит экан. Суҳбатимиз бошидаёқ соддалигидан завқланиб, беихтиёр кулиб юбордим.

— Отам, Банижон ака узоқ йиллар тракторчи бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада, — дейди Фахриддин оиласи ҳақида гапираркан. — Онам Баҳринисо опа фермер хўжалигида ишчи, турмуш ўртоғим Мастурахон эса болалар боғчасида тарбиячи.

— Фарзандлар нечта?

— Яқинда уйланганман...

Деярли кўпчилигимиз шу: бирор кишига олдиндан баҳо беришда, унинг ички дунёси, юрагидаги туғёнига эмас, балки ташқи қиёфасига, қадди-қоматига ва албатта, кийинишига қараб хулоса чиқаришга одатланганмиз.

Фахриддин Файзиматов ҳам жуссаси кичик, абжиргина йигит эмасми, 2004 йилда Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғинига посбонлар сардори этиб тайинланаётганида, унга менсимайгина қараганлар, “Ҳа, энди, оёқ-қўли чаққонгина бола экан, “ўтин олиб кел, сув олиб кел” қабилдаги юмушларни амаллаб юрса бўлди-да”, дегувчилар ҳам топилганди. Кейинчалик эса, халқ таъбири билан айтганда, жўжани кузда санаш кераклиги ҳаммага аён бўлиб қолди.

— Ҳудудда вазият барқарорлигини таъминлашда Фахриддиннинг ҳиссаси меникидан

ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас, — дейди Ёзёвон тумани ИИБ профилактика инспектори, лейтенант Низомиддин Нажмиддинов. — У ниҳоятда ташаббускор ва ҳаракатчан йигит. Чарчаш нима, эриниш нима, кўрқув нима билмайди.

шарди. Ўқтин-ўқтин тобора оғирлашиб бораётган қовоқларини ишқалаб, бемаврид келатган уйқуни ҳайдашга ҳаракат қилишарди. Тахминан соат тунги учларда канал ёқасига чиқиб олишгач, салондаги сукунатни Фахриддиннинг ташвишли овози бузди.

# ЎИЧКИНА ДЕМАНГ УНИ...

Бунга илк марта 2005 йил 7 декабрь куни бир жиноятни биргаликда фош қилиш жараёнида ишонч ҳосил қилганман...

...Ўша куни ҳаво ниҳоятда совуқ, боз устига қалин туман тушганди. Профилактика инспектори ва посбонлар сардорининг фикрлари бир жойдан чиқди. Ташқарида аёз забтига олганда ҳамма эшикни ичкаридан тамбалаб, кўрпага бурканиб ухлайди. Бу эса ғаламис кимсалар учун айна муддао бўлиши мумкин. Шу боис, икковлон тунда оромдан кечиб, ҳудудни айланишга қарор қилишди.

Туман қалинлигидан икки метр масофани кўриш ҳам мушкул эди. Ҳайдовчи — кўнгилли халқ посбони руль чамбарагига ёпишиб олган, Низомиддин ва Фахриддинлар эса “тошбақажориш” қилаётган машинада миқ этмай бори-

— Ие, анавилар ким бўлди?

Бир бош қорамолни етаклаб олган икки нафар кўланка осойишталик ҳимоячилари осмондан тушишдими ёки ердан чиқишдими — сезмай, каловланиб қолишди. Улардан бири — юз таниш, Қатортолда яшайди, иккинчиси эса бутунлай бегона. Айтишича, қўшни қишлоқлик эмиш. Поччасининг молини сотиш учун бозорга олиб боришаётган эмиш.

3.05 Фильм «ЖЕСТОКИЙ РОМАНС»

**ТВ 3**

8.00 Мультфильмы.  
11.00 Х/ф «ПУТЕШЕСТВИЕ ЕДИНОРОГА».  
15.00 Сериал «КОМНАТА СМЕХА».  
15.30 «Медицинское обозрение»  
15.50 Свет и тень.  
16.00 Х/ф «КУКОЛЬНЫЙ АНГЕЛ».  
18.00 Х/ф «САНТА ИЗ МАЙЯМИ».  
20.00 Культ личности.  
21.00 Х/ф «КИКБОКСЕР-3: ИСКУССТВО ВОЙНЫ».  
23.00 Х/ф «АРАХНИД».  
1.00 Сериал «ЧИСЛА».  
2.00 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО».  
3.00 Х/ф «КИКБОКСЕР-2: ДОРОГА НАЗАД».  
5.00, 7.15 «Другое кино»  
5.15 Х/ф «НЕБО НАД БЕРЛИНОМ».  
7.30 Релакс.

**ДТВ**

9.00 Музыка.  
9.05 Шоу российских рекордов.  
9.55 Для милых дам.  
10.25 Мультфильмы.  
12.20 Х/ф «ЮНОСТЬ ГЕРАКЛА».  
14.25, 3.55 «Как уходили кумиры».  
15.30 Фильм «По законам детектива».  
16.25 Шоу рекордов Гиннесса.  
17.30 Самое невероятное видео.  
18.30 Смешное видео.  
19.00 «Смешная реклама».  
19.30 «Осторожно, афера!»  
20.00, 5.45 Секретные материалы.  
20.55 «Чемпионат анекдотов».  
22.00 Х/ф «ДМБ».  
0.00 Сериал «С.С.И. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС».  
1.55 «Я выжил!»  
2.55 Сериал «СЛЕДСТВИЕ ВЕДЕТ ДА ВИНЧИ».  
4.45 Ночной клуб.  
6.30 «Смешная реклама».  
6.50 Как хорошо быть звездой.  
7.15 «Деньги с неба».  
7.30 Музыка.

**ТНТ**

7.00 «ОТ 16 И СТАРШЕ». Сериал  
7.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ». Теленовелла.  
8.15 «Деревня дураков»  
8.40, 12.35 Мультфильмы.  
10.00 «Никелодеоны»  
10.30 «Легенды «Ретро FM»». Концерт.

15.15 «МЕЖДУ ПЕРВОЙ И ВТОРОЙ». Комедия.  
17.00, 21.00 «Дом-2».  
18.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.  
19.00 Такси.  
19.30 «САША + МАША». Комедия.  
20.00 «Звезды против караоке».  
22.00 «Новогодняя церемония в «Доме-2»».  
0.05 «Секс»  
1.15 «МЕЖДУ ПЕРВОЙ И ВТОРОЙ». Комедия.  
2.55 «СКАЧИ ВО ВЕСЬ ОПОР». Комедия.

**СТС**

8.00 «СМЕШНО ПРО ЛЮБОВЬ». Х/ф.  
9.35, 11.30, 17.00, 20.30 Мультфильмы.  
11.00 Улица Сезам.  
12.10 Кино «ЛАНСЕЛОТ. ХРАНИТЕЛЬ ВРЕМЕНИ».  
14.00 «Самый умный».  
16.00 «Снимите это немедленно».  
18.00 «Истории в деталях».  
18.30 «Хорошие шутки».  
20.45 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
21.15 Кино «ДОЧЬ МОЕГО БОССА».  
23.00 Кино «ЗАКОЛДОВАННАЯ ЭЛЛА».  
1.00 «Ночь в стиле детства».  
2.15 Кино «ЛИГА ЧЕМПИОНОВ».  
4.35 Кино «ЛУНА ПОД ПРИЦЕЛОМ».  
6.00 Кино «ЧЕЛОВЕК-ЗМЕЯ».

**7 ТВ**

7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 23.00, 0.00, 2.00, 3.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».  
7.05, 14.05 «Советский спорт».  
7.25, 8.25, 9.25 Веселые старты.  
8.05 Зарядка для страны.  
9.05, 10.05 Музыкальный трек.  
10.25 Мультсериал.  
11.05 «220 вольт».  
11.25 Бешеные колеса.  
11.35, 19.05 Экстремальный контакт.  
12.05 KOTV: классика бокса.  
13.05 Обзор мирового футбола.  
14.25, 15.25, 17.25, 18.05, 0.05 Экстремальный спорт.  
15.05, 20.05, 4.25 Магия оружия.  
16.05 «Game Sport». Обзор компьютерных игр.  
16.25 Экстрим: начало века.  
17.05 NBA Live!  
18.25 Мир свободного спорта.  
19.25 Мировая серия. «Рено-2006».  
20.25 «Турне четырех трамплинов» (Оберстдорф).  
22.35 Только не это!  
23.05 Смертельные искусства.  
0.25 «IndyCar-2006».  
1.00, 4.00 NHL. Ежедневный обзор.  
1.05, 2.05, 3.05, 5.05 Покер.  
4.05 Ужасы спорта.  
4.35 Бешеные колеса.  
6.05 Гандбол. Чемпионат России. Женщины. «Звезда» (Московская область) - «Кубань» (Краснодар).

**«O'zbekiston»**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 Байрамингиз муборак!  
«Болалар сайёраси»  
8.40 «Президент арчаси».  
10.10 «Жажжи сеҳргар».  
Болалар учун фильм.  
11.50 «Минг бир маслаҳат».  
12.10 «Янги йил эртаги».  
Видеофильм.  
12.45 «CINEMA.UZ».  
13.15 «Бегоналар». Бадий фильм премьераси.  
14.45 «50x50». Ток-шоу.  
15.35 Байрамингиз муборак!  
15.40 «Кишлоқ ҳаёти».  
16.00 «КулдиРИНГ».  
16.45 ТВ-анонс.  
16.50 «Раж Капурни хотирлаб»  
18.10 Байрамингиз муборак!  
18.15 «Заковат».  
19.20 «Дунё иқлими».  
19.30 «Йилнома» (рус тилида)  
20.20 Байрамингиз муборак!  
20.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г. Мамазоитова.  
20.50 «Дунё иқлими».  
21.00 «Йилнома».  
22.00 ТВ-анонс.  
22.05 «Байрам оқшоми».  
1-қисм.  
23.45 Янги йил табриги.  
00.05 «Байрам оқшоми».  
2-қисм.  
2.35 «Оловудиннинг саргузаштлари». Мусиқали бадий фильм премьераси.  
4.05 «Хавфли бурилиш».  
Бадий фильм.  
5.40-5.55 Олтин мерос.

**«Yoshlar»**

5.55 Дастур очилиши.  
6.00 ЯНГИ ТОНГ.  
7.00 «Севишганлар». Сериал (бешта қисм)  
9.40 Кўшиқнинг туғилиши.  
10.00 ВАТАНПАРВАР.  
11.00 Оҳанрабо.  
11.50 «Камолот» хабарлари.  
12.00 «Мухаббат дардлари». Сериал (бешта қисм)  
14.40 Рўзғор мактаби.  
15.00 ТАМАННО.  
16.00 «Юлдузлар саргузашти».  
18.00 Давр йилномаси.  
18.35 Эълонлар.  
18.40 «Ошуфта». Анвар Санаев.  
19.10 Эълонлар.  
19.20 Дунё таомлари.  
19.50 Эълонлар.  
20.00 «АЖИБ ОҚШОМ-1».  
23.45 Янги йил табриги.  
00.05 «АЖИБ ОҚШОМ-2».  
01.30 Миллий кино: «Улфатлар».  
03.10 Жаҳон киноси: «Кариб денгизи қароқчилари».  
05.30 Миллий кино: «Мафтунингман!»  
06.50 – 06.55 Орзулар бекати.

**«Тошкент»**

7.25 Кўрсатувлар тартиби.

7.30 «Салом, Тошкент!»  
Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.  
8.30 «Анонс».  
8.35 «Йил яқунлари».  
8.40 «Эслайсизми, ёдингиздами?»  
8.45 «Телекуръер-маркет».  
9.10 «Анонс».  
9.15 «Йил яқунлари» (рус).  
9.20 Болалар учун фильм: «Йида ёлғиз». 1- фильм.  
10.50 «Анонс».  
10.55 «Йил яқунлари».  
11.00 Кино: «Мухаббат синовлари». 1- фильм.  
12.40 «Анонс».  
12.45 «Афиша».  
12.55 «Йил яқунлари» (рус).  
13.00 «Телекуръер-маркет».  
13.25 «Камин олдида суҳбат» (рус).  
13.55 «Анонс».  
14.00 «Йил яқунлари».  
14.05 Кино: «Мухаббат синовлари». 2-фильм.  
15.45 «Анонс».  
15.50 «Нима учун?»  
16.30 «Йил яқунлари» (рус).  
16.35 «Телекуръер - маркет».  
17.00 Кино: «Кўзларинг маюс».  
18.55 «Анонс».  
19.00 «ММ-шоу».  
19.50 «Йил яқунлари».  
19.55 «Янги йилни севаман» (рус).  
21.30 «Анонс».  
21.35 «Йил яқунлари» (рус).  
21.40 «Шунақа гаплар».  
22.00 «Тошкентда янги йил». Байрам дастури.  
23.45 «Янги йил табриги».  
0.05 «Тошкентда янги йил» (давони).  
02.00 Чет эл эстрадаси.  
02.35- 04.10 Кино: «Омадли жентельменлар» (рус).

**«Sport»**

7.30 «Хабарлар».  
7.50 Мультфильм.  
8.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
8.50 Ўзбек спортининг юлдузли онлари. Доха-2006.  
9.10 «Бардам бўлинг».  
10.10 «Омадли жентельменлар». Бадий фильм.  
11.50 «Орзулар ушалган йил».  
12.10 «Шрек-2». Бадий фильм.  
13.45 «Тайм-аут».  
14.05 «Қор маликаси». Бадий фильм. 2-қисм.  
15.35 «Файзли ошхона».  
16.10 «Версия». Спорт йилномаси. Информацион-тахлилий кўрсатув.  
16.40 «Юлдузлар муз устида». Галла концерт.  
18.00 «Вести».  
18.10 «Юлдузлар муз устида». Галла концерт (Давони)  
19.20 «Спорт телеканалда Янги йил оқшоми».  
21.10 «Талқин». Спорт йилномаси. Информацион-тахлилий кўрсатув.  
21.40 Максим Галкиннинг Янги йил бенефиси.  
23.45 Янги йил табриги.  
0.05 Янги йил кечаси-2007.  
02.55 «Ретро афсоналари-FM».

**30-й канал**

9.05, 12.40 «Новогодний мультфеерверк»  
10.00, 18.00 «Снежная королева», сказка  
11.30 «Болалар соати»  
13.00 «Теле-экспромт»  
13.30 «Хит.парад - плюс»  
14.30 «Шоу-бизнес янгиликлари»  
15.00 «Аёллар орзуси»  
15.30 «До-Ми-Соль шоу»  
17.00, 21.00 Дастурларинг очилиши  
17.05 «Мультконцерт»  
17.30, 20.30, 21.30 Мусиқий табассум»  
18.20 «Янги йилингиз билан»  
19.00 «Новогодний мультфеерверк»  
19.20 «Ошиқона»  
20.00 «30-й кадр»  
21.05 «Худуд»  
22.00 «Янги йилингиз билан!»  
00.00 «Новый год на 30-м канале»

**«Первый»**

5.10 Комедия «Деловые люди»  
6.35 Фильм «Безымянная звезда».  
7.50 «Курбан - байрам».  
8.15 Новогоднее «Кривое зеркало»  
10.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости  
10.10 Комедия «Джентельмены удачи»  
11.50 Реклама-Республика  
12.10 Фильм «Шрек-2»  
13.45, 15.10 Фильм «Москва слезам не верит».  
16.40, 18.10 «Звезды на льду».  
19.20 «Две звезды». «С Новым годом!»  
21.40 Новогодний бенефис Максима Галкина  
23.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В.Путина  
0.00 Новогодняя ночь 2007  
2.55 «Легенды Ретро-FM»

«Россия»  
6.00, 8.40 Мультфильмы.  
6.35 Фильм «Снежная любовь, или Сон в зимнюю ночь».  
9.55 Сказка «Морозко».  
11.15 Праздник Курбан Байрам.  
12.10 «Лучшие песни - 2006». Концерт.  
14.00, 17.00 ВЕСТИ.  
14.20, 17.20 Новогоднее «Кривое зеркало».  
18.20 «Танцы со Звездами».  
20.25 БОЛЬШОЙ НОВОГОДНИЙ ВЕЧЕР.  
23.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В. Путина.  
0.00 НОВОГОДНИЙ ГОЛУБОЙ ОГОНЕК НА ШАБОЛОВКЕ - 2007.  
3.05 Большая Новогодняя дискотека.

**НТВ**

5.30 Комедия «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС: МИССИЯ КЛЕОПАТРА»

7.10, 16.20 Мультфильмы.  
7.30 «ДИКИЙ МИР»  
8.00, 10.00, 13.00, 16.00 «СЕГОДНЯ»  
8.15 «РУССКОЕ ЛОТО»  
8.40 «ИХ НРАВЫ»  
9.20 «ЕДИМ ДОМА!»  
10.20, 13.25 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ ЛЕДИ»  
14.10 Комедия «СВАДЬБА В МАЛИНОВКЕ»  
17.35 Фильм «КАРНАВАЛ»  
20.10 Комедия «ИРОНИЯ СУДЬБЫ, ИЛИ С ЛЕГКИМ ПАРОМ»  
23.40, 0.00 «НОВЫЙ ГОД В СТИЛЕ АББА»  
23.55 НОВОГОДНЕЕ ОБРАЩЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В.В. ПУТИНА  
2.15 «МИРОВЫЕ ЗВЕЗДЫ НА НТВ»  
4.40 Комедия «ЧАРОДЕИ»

**ТВ 3**

8.00, 9.00, 0.00 Мультфильмы.  
8.30 Жизнь, полная радости.  
12.00 Х/ф «ОДИНОКИЙ ГОЛУБЬ».  
20.00 Культ личности.  
21.00 Х/ф «СПАСАТЕЛИ».  
22.30 Х/ф «СПАСАТЕЛИ В АВСТРАЛИИ».  
1.30 «Новогодний мультконцерт».

**ДТВ**

9.00 Музыка.  
9.05 «Чемпионат анекдотов».  
9.55 Для милых дам.  
10.25, 19.55 Мультфильмы.  
12.20 Х/ф «ДМБ».  
14.25 «Как уходили кумиры».  
15.30 «Я выжил!»  
16.25 Шоу российских рекордов.  
17.30 Самое невероятное видео.  
18.30 Смешное видео.  
19.00 «Смешная реклама».  
19.30 «Этот безумный мир».  
20.05 Фильм. «СЕРДЦА ТРЕХ»  
1.55 Новогоднее поздравление Президента РФ.  
2.00, 3.30 «Каламбур».  
2.30, 4.05 «Голые и смешные».  
4.50 Ночной клуб.  
6.50 ТВ-чат.

**ТНТ**

7.00 «ОТ 16 И СТАРШЕ». Сериал.  
7.25 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ». Теленовелла.  
8.10 «Деревня дураков».  
8.35, 12.30 Мультфильмы.  
10.00 «Никеллодеоны»  
15.35, 4.20 «БОББИ». Мелодрама.  
17.00 «Дом-2».  
18.00, 0.20 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.  
19.00 Такси.  
19.30, 1.50 «САША + МАША». Комедия.  
20.00 «Звезды против караоке».  
21.00 «Встреча Нового

года в «Доме-2».  
22.00, 0.05 «Комеди Клуб». Новогодний выпуск.  
23.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В. Путина.  
2.20 Новогоднее караоке.

**СТС**

8.00 «ЛЕССИ». Х/ф.  
9.25, 11.30, 17.00 Мультфильмы.  
11.00 Улица Сезам.  
12.00 Кино «ВВЕРХ, ВВЕРХ ПОД ОБЛАКА!»  
13.30 «Жизнь прекрасна».  
16.00 «Снимите это немедленно».  
18.00 «Истории в деталях».  
18.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
19.00 Кино «ЗАКОЛДОВАННАЯ ЭЛЛА».  
21.00 Кино «САНТА-КЛАУС».  
23.00 Кино «НОЧНОЙ БАЗАР».  
1.30, 2.05 «Слава богу, Новый год!»  
1.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В. Путина.  
4.10 Кино «ВЕСЬ ЭТОТ ДЖАЗ».  
6.10 Кино «ИЗ МИРА В МИР».

**7 ТВ**

7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00 «7 новостей».  
7.05, 14.05 «Советский спорт».  
7.25, 8.25, 9.25 Веселые старты.  
8.05 Зарядка для страны.  
9.05, 10.05 Экстремальный контакт.  
10.25 Мультсериал.  
11.05, 16.05 «220 вольт».  
11.25 Бешеные колеса.  
12.05 KOTV: классика бокса.  
13.05 Только не это!  
13.25 Гонки ETCC-2006. Обзор.  
14.25, 15.25, 17.25, 18.05 Экстремальный спорт.  
15.05 Магия оружия.  
16.25 Экстрим: начало века.  
17.05 NBA Live!  
18.25 Мир свободного спорта.  
19.05, 20.05, 21.05, 22.05, 23.05, 0.05, 1.05, 1.35 Диалоги о рыбалке. Классика.  
19.25, 20.25, 21.25, 22.25, 23.25, 0.25 Планета рыбака.  
1.55 Новогоднее поздравление Президента Российской Федерации В.В. Путина.  
2.05 «Турне четырех трамплинов»  
2.30 «Диалоги о рыбалке. Ужение монстров».  
3.30, 4.30, 5.30 Лучшие голы чемпионата Англии.  
6.30 Ужасы спорта.

## МУШАКБОЗЛИК ОҚИБАТИ

Австрия билан чегарадош Чехияга қарашли ҳудудда жойлашган «Экскалбур-сити» супер-маркетда юз берган ёнғинни ўчиришга 140 нафар австриялик ўт ўчирувчи сафарбар этилди. Экспертлар ёнғин чиқишига, Рождество мушаклари ва машғалаларини ёқишда вужудга келган портлашлар сабаб бўлган, деган фикрни билдиришмоқда. Ёнғин натижасида савдо марказининг 3 минг кв.м. майдони вайрон бўлган. Савдо маркази янги ва эски бинолардан иборат. Янги бино текширилганда жабрдийда ва қурбон бўлганлар топилмади. Эски бинони текшириш имкони эса ҳозирча йўқ. Супер-маркет атрофидаги тўхташ жойида турган 25 та автомобиллар ҳам жиддий зарар кўрган.

## ЕР ОСТИДА ҚОЛИБ КЕТИШДИ

Геологик хавфлилиги юқори саналадиган касблардан ҳисобланади. Ушбу фикрни яқинда Кимкана Сунтар (Яҳудийлар АО) конида юз берган фожиа ҳам тасдиқлайди. Бу ерда тоғ жинсларининг ўпирилиши туфайли тўрт киши қурбон бўлди. Уларни тўрт тонналик ер қатлами босиб қолган, шу сабабли геологларни омон қолиш имкони бўлмаган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ер қатлами ағдарилишига ер ости сувлари ва қатламнинг юмшоқлиги сабаб бўлган.

## ЧАҚИРУВ ПУНКТИДА ТЕРРОРЧИЛИК

Бағдод шарқидаги чақирув пунктида портлаш содир этилди. Полиция хизматига кўнгиллиларни қабул қилиш ўтказилаётган бу пунктга кирган террорчи белига боғланган портловчи мусламанни ҳаракатга келтирган. Оқибатда 10 нафар ироқлик ҳалок бўлган, 18 нафари жароҳатланган. Ҳалок бўлганларнинг икки нафари полиция ходимларидир.

## ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ



## ЯНА БИР ТАБИИЙ ОФАТ

Деярли ҳар куни курраи заминимизнинг қайсидир нуқтасида тўфон, сув тошқини, вулқон отилиши, зилзила каби бирор бир табиат инжиқлигини кузатиш мумкин. Қаттиқ ёққан жала Малайзиянинг Жохор штатини сув босишига олиб келди.

Мутахассислар бундай ёмғир ҳар юз йилда бир марта кузатилиши, асоратларининг ўта фожиали бўлишини қайд этишмоқда. Айни пайтда табиий офат юз берган жойдан 10 минг киши эвакуация қилинган. Юзлаб оилалар бошпанасиз қолган. Жабрланганларга айрим меҳмонхоналар эгалари яшаб туриш учун бир қанча муддатга жой ажратиб беришяпти. Офатни жилавланган ишларига қутқарув хизмати, фуқаролик муҳофаази, кўнгиллилар сафарбар этилган. Шунга қарамай, тез орада ҳаракатдаги қўшинларни ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда.



## ҚАМАЛИБ ҚОЛИШДИ

Қаттиқ ёққан ёмғир натижасида юз берган кўчки Швециянинг Гетеборг шаҳри ёнидаги шоссени ёпиб қўйган. Қутқарув хизматининг хабар беришича, кўчки бир неча автомобилларни йўлдан суриб ташлаган. 30 нафар киши жароҳатланган, кўплаб ҳайдовчилар ўз автомашиналари ичида қамалиб қолишган.

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

### СОВУҚ ҚОТГАН ТАНА

Андижон вилояти Шаҳрихон туманида яшовчи 35 ёшли Р. Б.нинг жароҳатсиз жасади ўзи яшаган Дўрмон қишлоғидаги йўл четидан топилди. Текширув давомида кўп миқдорда спиртли ичимлик ичиб ухлаб қолиб, совуқда қолиб кетиши оқибатида вафот этгани аниқланди.

### КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Фарғона шаҳрида яшовчи К. Владимир ИИБга мурожаат қилиб, уйда вақтинча яшаб келаётган таниши 71 ёшли Я. Рафиқ кўчада безорилар томонидан калтаклангани ва у тан жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмганини маълум қилди.

Тезкор ходимлар томонидан ўтказилган текширувларда мазкур жиноятни аризонининг ўзи содир қилгани маълум бўлди. Қотиллик ўзаро жанжал оқибатида содир этилган экан. Далилий ашё — болға ҳам топилди.

### ЎЗИНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙМАДИ

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани ҳудудида М. Баҳромнинг «Нексия» автомашинасига ўтирган нотаниш кимса ҳайдовчидан манзилига олиб бориб қўйишни сўради. Бироқ улар Б. Зокиров кўчасидаги «Сомонбозор»га етиб келишганда, йўловчи ҳайдовчига 6000 сўм беришни ҳамда Қашқадарёга борадиган автобусга чиқариб қўйишни талаб қилиб пичоқ ўқталади.

М. Баҳром эса ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, босқинчига қаршилик кўрсатиб, қўлларини қайириб, ИИБга олиб келиб топширди. Ҳозирда китоблик, ҳеч қаерда ишламайдиган 20 ёшли Т. Нодирга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

### ТАЛОНЧИ ТАЛАБА

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида яшовчи А. Прыдкина тунги соат 23.00 ларда сайрга чиқиб, талончига дуч келди. Нотаниш йигит қизнинг 110 минг сўм пули ва уяли телефони бўлган сумкасини юлиб олиб, қочиб кетди.

Қидирув ишлари натижасида гумондор тез орада ушланди. У Олмалик шаҳрида яшовчи, Тошкент шаҳридаги коллежлардан бирининг талабаси М. Мансур бўлиб чиқди.

### МИСИ ЧИҚДИ...

Тошкент шаҳри Сирғали тумани ИИБга Ёкубов кўчасидаги симёғочлардан 210 метр узунликдаги алоқа сими ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида хабар тушди. Саъй-ҳаракатлар натижасида мазкур жиноятни содир этган С. Собир ушланди.

### ҚЎЙ ЎҒРИЛАРИ

Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБга мурожаат қилган М. Бозорова 11 бош қўйини номаълум кимсалар ўғирлаб кетганини билдирди. Ходимлар томонидан ўтказилган қидирув ишлари натижасида қўй ўғирлари шу ерлик Ш. Тошпўлат ва Л. Лазизлар бўлиб чиқди. Уларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

### МЕҲМОННИ ПИЧОҚ БИЛАН СИЙЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида яшовчи Қ. Аvezовнинг хонадонига бўлаётган никоҳ тўйига ташриф буюрган муқаддам судланган Е. Ҳамро яна икки меҳмон — ака-ука Б. Баҳодир ва Озодлар билан биргаликда ичкиликбозлик қилишди. Кайфлари ошғач, «сиз-биз»лари «сен-мен»га айланди. Қуюшқондан чиққан Е. Ҳамро ака-укаларга пичоқ билан ташланиб, уларга оғир жароҳат етказди. Жабрланувчилар касалхонага олиб келинганда Баҳодир бу ёруғ дунёдан кўз юмди. Ҳамро қўлга олинди.

Тошкент шаҳар Сирғали туманида яшовчи пенсионер Т. Ильинанинг хонадонига девор ошиб кирган номаълум киши уйдан 1300 АҚШ доллари, 60 минг сўм ва 9 турдаги заргарлик тақинчоқларини ўғирлаб кетганди. Яқинда ушбу жиноят фош этилиб, Ҳамза туманида яшовчи Б. Содиқ қўлга олинди ва ундан ўғирланган буюмлар далилий ашё сифатида олинди.

### ПЕНСИОНЕРНИ ТУНАДИ

Тошкент шаҳар Сирғали туманида яшовчи пенсионер Т. Ильинанинг хонадонига девор ошиб кирган номаълум киши уйдан 1300 АҚШ доллари, 60 минг сўм ва 9 турдаги заргарлик тақинчоқларини ўғирлаб кетганди. Яқинда ушбу жиноят фош этилиб, Ҳамза туманида яшовчи Б. Содиқ қўлга олинди ва ундан ўғирланган буюмлар далилий ашё сифатида олинди.

### ПЕЧ НОСОЗ ЭКАН

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида яшовчи Т. Холқўзиев ва унинг турмуш ўртоғи С. Аҳмедовалар хонадонларидаги носоз иситиш печидан чиққан газ исидан заҳарланишди. Оқибатда Т. Холқўзиев ҳаётдан кўз юмди, рафиқаси эса беҳуш ҳолда касалхонага ётқизилди.

### ЙЎЛТЎСАРЛАР ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Тонгги соат 6 дан 15 дақиқа ўтганда Фарғона шаҳрининг қоқ марказида ўткинчиларни пойлаб турган икки кимса ниҳоят «ўлжа»ларига ташланишди. Улар М. Бегматовни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, ёнидаги 1800 сўм пулини шилиб олдилар. Бироқ бунга қоникмаган талончилар ундан яна 20 минг сўм топиб беришини талаб қилиб турганларида шу ҳудудда хизмат вазифасини бажариб юрган ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

И. МИНАВАРОВ,  
ИИБ Матбуот маркази ходими,  
майор.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

# РИХСИ АЯ ФОЖИАСИ

Ўша куни Рихси ая Назирани меҳмондорчиликка кузатиб, уч ёшли набираси Нозима билан уйда қолди. Оқшом чоғи овқатга унади. Аксиға олиб, газ йўқ. Момо қўлбола иситиш мосламасини тоққа улаб, қозон осди. Бир зумда уй ҳам исиди, овқат ҳам пишди. Набираси билан кечки овқатни тановул қилиб бўлгач, сув иситишдан эриниб, идишларни ювмади. «Эртага юварман», — хаёлидан ўтказди у. Телевизорни қўйди. Бу пайтда Нозима эснай бошлади.

— Ухлайсанми? Кел, аллалайман, — дея набирасини ўзига чорлади момо. Нозима билан баробар ўзи ҳам ухлаб қолди. Кутилмаганда чироқ ўчди. Бунини Рихси ая сезмади ҳам. Чироқ ёнганида эса токдан узилмай қолган иситиш мосламасида қисқа туташув содир бўлиб, аланга юзага келди.



Вақт алламаҳал бўлганида меҳмондорчиликдан қайтган Назира ёнғинни кўрди-ю, додлаб юборди. Маҳалла-қўй, ўт ўчирувчилар оловни ўчириш билан овфр. Аждар мисол олов пуркаётган аланга ичидан Рихси ая билан Нозиманинг жасади олиб чиқишганида Назира хушидан айрилди...

Хўп замонлар бўлди-да! Ҳаммаёқда ўзгариш. Ҳар соҳада ривожланиш сезилиб қолди. Авваллари телевизорни қўйсангиз тўрт киши ўтириб олиб, суҳбат қуришдан бўшашмасди. Бугун-чи? Бугун у ҳаммани уйга михлади-қўйди. Бир ёқда ана у лўли қиз Саламея ақлимизни олса, иккинчи ёқда турк қизи Назарга хаёлимиз қочади. Тангэмни ёқтириб қолган шахрихонлик Абдурахмон ота эса шу сериални деб бир марта балога қолди.

...Ўша куни отахон уйга кирса, ҳамма «Сарой жавоҳири» сериалини кўраётган экан. Абдурахмон ота «Тангэм бошландими?» деганча шошиб, уй тўридан жой олди. Сўнг

# ТАНГЭМГА МАҲЛИЁ БЎЛИБ...

келинига қараб буюриб ҳам қўйди:

— Иссиқ чой дамлаб беринг...

Келин эринибгина ошхонага кириб, чой қўйиб келди. Вақт ҳам ўтаверар эканда...

— Эҳ, аттанг! Тугаб қолди-я, — тиззасига урди Абдурахмон ота.

— Доим шунақа! Қизиқ жойига келганида тугатиб қўйишади, — ўпкалади кампири ҳам.

— Тангэм мусобақада ютиб чиқади. Мен бу сериални аввал ҳам кўрганман, — деди келини.

Келинининг овозини эшитиб, Абдурахмон ота сергак тортди:

— Келин, чой дамладингизми?

— Вой шўрим, газга чой қўйиб келувдим.

Келин шошганча ошхонага югурди. Остона ҳатлабоқ:

— Вой-дод, уйимиз ёняпти! — дея қичқириб юборди.

Ҳамма ўрнидан туриб ташқарига югуришди. Қарашса, ошхона аланга ичида қолган, энг ёмони ёнғин қўшниликка ҳам туташган эди. Бугун маҳалла оёққа турди. Яхшиямки, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бор. Улар фалокатга барҳам беришди.

*Афсуски, бу каби воқеалар учраб турибди. Ёнғинлар асосан қўлбола иситиш мосламалари, электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, газ таъминотидаги узиллишлар, очиқ оловга нисбатан бепарқлик кабилар натижасида юз бермоқда. Бу борада болалар боғчасидан то меҳнат жамоаларигача ташир буюриб, тушунтириш ишлари олиб борилапти. Қолаверса, турли рейдлар уюштириб, офатнинг олдини олиш чоралари кўрилмақда. Жойларда ёнғиннинг салбий оқибатларига доир сурат-лавҳалар, турли чақириқлар, огоҳлантиришлардан иборат пешлавҳалар ўрин олган. Бироқ ёнғиннинг олдини олиш борасида биргина тарғиботнинг ўзи камлик қиларди.*

*Масаланинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтмоқ жоизки, юртдошларимизнинг аксарияти ёнғин хавфсизлиги қондаларига онгли равишда амал қилишмаяпти. Бу лоқайдлик, бепарволикдан ўзга нарса эмас. Ҳар бир фуқаро ҳаётини асраш учун хушёрликни таъминлай олиши шарт. Хушёрлик ва сергаклик бор жойда эса фалокат юз бермайди.*

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

# БИР ЖИНОЯТ ИККИНЧИСИГА БОШЛАГАНДА...

**Янгиариқлик Юсуф Худойберганов иш билан ўз шахсий автомашинасида «Ўзгросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Янгиариқ туман бўлимига борган эди. Ярим соат ўтгач, не кўз билан кўрсинки, «ВАЗ-2106» русумли автомашинаси қўйган жойида йўқ. У дарҳол туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар берди. «Тўсиқ» тадбири эълон қилинди.**

Туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи инспектори, майор Улуғбек Олланазаров тунги навбатчиликдан сўнг уйига кетаётган пайтда рация орқали ушбу хабарни эшитгач хушёр тортди. Ўғирланган автомашина «Янгиариқ — Хива» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган бўлиши мумкин, деган тахмин асосида у автомашинасини ўша томонга ҳайдади. Машиналарни кузатди. Кўп ўтмай навбатчилик қисми берган белгиларга мос келадиган автомашина йўл ҳаракати қоидала-

рини бузган ҳолда келаётганини кўриб, тўхташ ишорасини билдирди. Турган гапки, ҳайдовчи, тўғрироғи, ўғри ҳайдовчи бундай пайтда тўхтамайди. У. Олланазаров уни кузатиб бориб, тўхташига муваффақ бўлди. Машина «ишқибози» янгиариқлик, аввал ҳам бир бор судланган Мақсуд Қурбонов экан.

— Автомашинани бус-бутун топилганидан хурсандман, — деди Юсуф Худойберганов. — Ички ишлар ходимларига раҳмат.

Жиноятнинг қисқа фурсатда очилганидан

вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Янгиариқ тумани ички ишлар бўлими ходимлари энгил нафас олишаётган бир пайтда автотранспорт олиб қочиш ва бахтсиз ҳодиса билан якун топган бошқа бир жиноят содир этилдики, бу яна барчани оёққа турғазди.

Машарип Бобожонов Урганч тумани Пахтакор деҳқон фермерлар уюшмасида яшовчи яқинлариникига ўзининг «Тико» автомашинасида тўйга боради. Кўчада қолдирилган машинани шу атрофда юрган урганчилик Руслан Абдушарипов олиб қочади. У дўсти Ойбек Маткаримовга Хивадаги опасиникига бориб келиш учун йўлда ҳамроҳ бўлишни таклиф қилади. Ўз навбатида ҳеч нарсадан хабари йўқ Ойбек унинг таклифига рози

бўлиб, автомашинанинг орқа ўриндиғига ўтиради. Катта тезликда келаётган автомашина Хива шаҳрининг ўртасидаги дарахтга урилади. Кучли тўқнашув натижасида Руслан ҳаётдан кўз юмди, орқа ўриндиқдаги йўловчи эса оғир аҳволда шифохонага ётқизилди.

«Хива-Хосиён» йўлининг учинчи чақиримида номаълум автомашина ҳайдовчиси пиёда Бахтиёр Нурметовни уриб юбориб, унга ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб қолади. Натижада жабрланувчи олган оғир тан жароҳати, кўп қон кетиши сабабли ҳаётдан кўз юмади. Номард ҳайдовчи жиноят изини яшириш, пачоқ автомашинасини зудлик билан таъмирлатиш мақсадида Урганч шаҳридаги автомашиналарга

техник хизмат кўрсатиш шохобчаларидан бирига яширинади. Ушбу ўлим билан боғлиқ автотранспорт ҳодисаси тўғрисида хабар олган тезкор гуруҳ воқеа жойидан олинган далилий ашёлар асосида унинг ранги, русуми ва йўналишини аниқлаб, Хива деҳқон-фермерлар уюшмасида яшовчи Жуманазар Жума-

ниёзовни автомашинасини таъмирлаётган жойида қўлга олди.

— Мен кўрқиб кетиб, ўзимни бошқара олмай қолдим. Жабрланувчига ёрдам беришим зарурлигини билсам-да, жиноий жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида воқеа жойидан яшириндим. Кечириб бўлмас хатога йўл қўйганлигимни кеч тушуниб етдим. Мени кечиринглар, — деди қочоқ ҳайдовчи афсусланиб.

*Кимнидир ўз автомашинасида уриб юборган ҳайдовчининг ўша пайтдаги ҳолати, ҳаяжонини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳаёт ва ўлим ўртасида турган жабрланувчининг аҳволини айтмасам ҳам бўлади. Бир сониялик кечикиб кўрсатилган ёрдам унинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келиши мумкин. Талвасага тушиб, иккинчи бир жиноятга қўл ураётганлар, яъни жабрланувчини тақдир ҳукмига ташлаб кетаётганлар, афсуски, учраб туради.*

*Шу ўринда автомашиналарга техник хизмат кўрсатувчи шохобчалар ва уларнинг эгалари ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, автотранспорт воситасига қандай тарзда техник шикаст етказилишидан қатъи назар, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан махсус руҳсатнома бўлмагунча уни таъмирлаш мумкин эмас. Аммо айрим шохобчалардаги техник усталар бу қондан билсалар-да, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган, хатто одам уриб юборган ҳайдовчиларнинг жиноятини яширишга сабабчи бўлиб қолишмоқда. Албатта, уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати пул билан боғлиқ. Зеро, талвасага тушган ҳайдовчи бундай пайтда қанча сўрашса шунча беради. Биз бундан мазмунлироқ тахмин қилолмадик. Иймон-этиқодли кишига қанча пул берманг, у қонунга зид иш қилмайди.*

Бекмурод УСМОНОВ.





ТАБРИКЛАЙМИЗ

Республика ИИБ хузуридаги Қўриқлаш республика Бирлашмаси алоҳида милиция батальони бош ҳисобчиси, капитан Муножат ҲАКИМЖОНОВА...

Батальон раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИБ ЖИЭББ Зангиота тарбия муассасаси ШТБИГ қатга инспектори, лейтенант Дониёр АЛЛАЕРОВ...

Муассаса раҳбарияти ва шахсий таркиби.

ЯНГИ МАЖМУА

Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 4-қасбий ёнғин хавфсизлиги қисмининг биноси фойдаланишга топширилди.



Тантананада вилоят ҳоқимининг ўринбосари Н. Ҳамдамов сўзга чиқиб, мазкур мажмуа туманда ёнғинларни кескин қисқартириш, профилактик тадбирлар қўлами ортишига хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбирда алоҳида ўрнак кўрсатган курувчи ва мутахассисларга ҳоқимлик ва ҳомий ташкilotларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Эркин ФОЗИЛОВ, капитан.

«ЯЛЛАМА»ДАГИ ЯҚДИМЛИК

Чиноз тумани аҳли асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланади. Бу гўшада 115 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

боси» каби мавзуларда учрашувлар ўтказилапти. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларнинг турли норасмий диний оқимларга адашиб кириб қолишининг олдини олиш...

Қатта лейтенант Анвар Ҳайитбоев ва лейтенант Шухрат Улуғходжаевлар фаоллар, маҳалла посбонлари сардори Ойбек Рўзалиев, чегара посбонлари сардори Бахтиёр Файзуллаевлар билан худудни айланиб, паспорт тартибига текшириб боришади.

Қишлоқ худудиди йил бошидан шу кунга қадар иккита ўғирлик ва иккита таркибиди гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни ноқонуний ўстириш билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилди.

Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар профилактика инспекторлари, фаоллар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг яқдилликда хизмат ўташаётганини кўрсатиб турибди.

Ш. АНВАРОВ, капитан.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

Илҳом Мусаевич НИЁЗОВ. 1962 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Ширинбоев кўчаси 22-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 175 см, озғиндан келган, сочлари қорамтир, кўзлари қора, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Кийимлари: эғнида кўк рангли кўйлак, қора рангли спорт трикоси, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Абдурахим Жўрамурадович ЭРГАШЕВ. 1965 йилда туғилган. Ургут тумани Мирзабоғ қишлоғида яшаган.



Белгилари: бўйи 165-170 см, озғиндан келган, сочлари қорамтир, кўзлари қора, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Кийимлари: эғнида кўк рангли энги узун кўйлак, қора рангли шим, оёғида кулранг резина шиппак бўлган.

Қурбон Бозорович АЗИМОВ. 1956 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Шоҳи Зинда кўчаси 1-уй 4-хонадонда яшаган.



Белгилари: бўйи 175-180 см, ориқ гавдали, сочлари қорамтир, кўзлари қора, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ эмас.

Кийимлари: эғнида қора рангли камзул, жигарранг свитер, қора рангли шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Шаҳриёр Жабборович САТТОРОВ. 1982 йилда туғилган. Ургут шаҳри Охунбоев кўчаси 12-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 175-180 см, ўрта гавдали, сочлари қорамтир, кўзлари қора, юзи думалоқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Кийимлари: эғнида оч-кўкимтир рангли энги калта кўйлак, тўқ-кўк рангли спорт шими, оёғида оқ рангли кроссовка бўлган.

Матлуба Зокиржоновна ДАВРОНОВА. 1987 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Хизматчи кўчаси 8-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 150-155 см, ўрта гавдали, сочлари қорамтир, кўзлари қора, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Кийимлари: эғнида қора-қизил гулли халат, бошида қизил гулли рўмол, оёғида қизил рангли резина шиппак бўлган.

Андрей Сергеевич ВАЛЕТКИН. 1952 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси 42-уй 49-хонадонда яшаган.



Белгилари: бўйи 170-175 см, ўрта гавдали, сочлари сариқ калта, кўзлари мовий, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Алоҳида белгилари: юқори жағидаги 8 та тиши сариқ металлдан, бўйин қисмида жарроҳликдан қолган 5 см катталикда чандик, чап қўлининг билак қисмида «Ира» ёзуви татиуровка бор.

Кийимлари: бошида кўк рангли кепка, эғнида қора рангли майка, қора рангли шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Юрий Дмитриевич ГАЛАШОВ. 1993 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд шаҳри Шохмурод кўчаси 30-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 120-125 см, сочлари ва қоши малларанг, кўзлари мовий рангда.

Кийимлари: эғнида оқ рангли футболка, қора рангли шорт, оёғида оқ рангли резина шиппак бўлган.

Александр Евгеньевич БОБРОВ. 1986 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Бирлик кўчаси 91-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 160-163 см, ўрта гавдали, сочлари сариқ рангда, кўзлари кўк, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Кийимлари: эғнида кулранг шорт, кулранг футболка, оёғида кулранг шиппак бўлган.

Хуршид Мамадович ТҒЙЧИЕВ. 1960 йилда туғилган. Самарқанд шаҳри Ф. Хўжаев кўчаси 8-уй 40-хонадонда яшаган.



Белгилари: бўйи 165 см, ўрта гавдали, сочлари қорамтир, кўзлари қора, юзи чўзиқроқ, бурни тўғри, лаблари ўртача, тишлари тўлиқ.

Алоҳида белгилари: қўлининг пастки қисмида ТХ ёзуви ва қўлининг юқоридаги қисмида ВВС ҳарбий самолёт шаклидаги татуировкаси, қорин қисмида қўриқ жарроҳлигидан қолган чандик бор.

Кийимлари эғнида: қора рангли камзул, жигарранг свитер, қора рангли шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Самарқанд шаҳар ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Grid of 12 boxes containing horoscope forecasts for different zodiac signs: Кўй, Арслон, Тоғ эчкиси, Сигир, Бошқоқ, Қовға, Эгизаклар, Тарози, Қисқичбақа, Чаён, Балиқ.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ОГОҲЛАНТИРАДИ

*Кейинги пайтда газда ишлайдиган турли хилдаги иситиш печларини тегишли идоралардан рухсат олмасдан, ўзбошимчалик билан ўрнатиб, фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги хизмати, газ, электр идораси, ёнгинга қарши кураш жамияти ходимлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирокида гуруҳлар тузилиб, улар томонидан рейдлар ўтказилмоқда.*

ларнинг нотўғри ишлатилиши натижасида хонадонга кирган газ исидан 8 киши қаттиқ заҳарланиб, касалхоналарга ётқизилганлар. Энг ачинарлиси эса, инсонлар бевақт ҳаётдан кўз юмишган.

Шунингдек, фуқароларимизнинг бошқа газ билан ишлайдиган ускуналарга лоқайдликлари ва ёнгин хавфсизлиги хизматининг берган маслаҳатларига эътибор бер-

яшовчи Ю. Каримовнинг қизи газ плитасида чой қайнатиш учун гугурт ёқади. Плитанинг носоз жойларидан сизиб чиққан ва хонага йиғилиб қолган газ чақнаб кетади. Алангаланиш оқибатида ёш қизча 30-35 фоиз куйиш тан жароҳати олади ва касалхонага ётқизилади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, аксарият ёнгинлар, фуқароларнинг эътиборсизликлари ва лоқайдликлари, билиб туриб ҳам «озгина чидаб берсин, кейин янгисини оламан», деб ўзларини алдашлари оқибатида рўй берган.

Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси қуйидагиларга риоя этишни эслатади:

— газ иситиш печларидан фойдаланишда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилинг;

— печларни ёқик ҳолатда назоратсиз қолдирманг;

— газ ва электр иситиш печларини харид қилсангиз уларни ўрнатиш, эски, ишлатилганларини таъмирлашни фақатгина мутахассислар ёрдамида ўтказинг;

— носоз, қўлбола ясалган газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланманг;

— газ ускуналарни резина шланг орқали улашишига йўл қўйманг;

— газ ҳидини сезсангиз, чироқ ва учкун чиқарувчи мосламалардан фойдаланманг, хонани шамоллатиш чорасини кўринг ва дарҳол бу ҳақда газ хизматига хабар беринг;

— иситиш печлари ва мўриконларнинг созланишига эътибор беринг.

**Д. ҚАМБАРОВ,**  
капитан.

## Михаил Петрович ИВАНОВ

2006 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник



Михаил Петрович Иванов узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

М. П. Иванов шу йил август ойида ўзининг 69 ёшни нишонлаган эди. У бутун иш фаолияти давомида Ватанга, халққа сизилмаган хизмат қилди. Армия сафидан қайтгач, 1959 йилда ички ишлар тизимининг ёнгиндан сақлаш хизматида ишга кириди. Дастлабки кунлардан оқ, ўз ишига масъулият билан ёндашадиган, ташкилотчилик қобилиятига эга ходим сифатида танила бошлади. Унга раҳбарият томонидан ишонч билдирилиб, пойтахт давлат ёнгин назорати туман бўлими инспекциясига бошлиқ этиб тайинланади.

Михаил Петрович тинмай билимини оширадиган, билганларини бошқаларга ўргатадиган, айниқса, ёш ходимларга меҳрибон раҳбар эди. Унинг раҳбарлиги остида ҳудудда ёнгин хавфсизлиги бўйича профилактик ишлар яхши йўлга қўйилгани боис ёнгинлар камайган.

1978 йилда у Тошкент шаҳар ИИБ ЁСБ давлат ёнгин назорати бўлимига бошлиқ этиб тайинланади. 1979 йилда эса Тошкент шаҳар ИИБ ЁСБ хизмат ва тайёргарлик бўлими бошлиғи ўринбосари, кейин бўлим бошлиғи бўлди. У ички ишлар идораларидаги сўнгги хизмат йилларида кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш ишларига масъул бўлди.

М. Иванов 1987 йилдан 1992 йилгача республика ИИБ бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб, пенсияга чиқди.

Бу фидойи инсон нафақада бўлишига қарамай жамоат ишларидан четда қолмади. Республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари сифатида фахрийлар ташкилоти фаолиятини мустақамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилишда фаол иштирок этди.

Дўстлари, ҳамкасблари, сафдошларига меҳрибон, фидойи инсоннинг хотираси қалбимизда сақланиб қолади. Унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ**  
раҳбарияти, шахсий таркиби ва  
Фахрийлар кенгаши.

# ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Бугунги кунга қадар аҳоли турар жойларидаги 514378 та иситиш печлари текшириб чиқилиб, 18906 тасининг носозлиги аниқланди, 13585 тасининг камчиликлари жойида бартараф этилди ва 4673 тасидан фойдаланиш тақиқланди.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан берилган кўрсатмаларга айрим фуқаролар эътиборсиз бўлмоқдалар. Бунинг натижасида эса кўнгилсиз ҳолатлар рўй бермоқда. Бундай ҳол, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Жиззах вилоятларида кўп учрапти.

2 декабрь куни Жиззах шаҳри Дўстлик маҳалласида яшовчи уй бекаси Г. Қўзиёваннинг яқин қариндошлари Ш. Қўзиёва ва Д. Фозилова меҳмондорчилик келишади. Улар уйнинг меҳмонхонасида ишлатилаётган газли иситиш печидан заҳарланиб, шифохонага ётқизилганлар. Ш. Қўзиёва воқеа жойида вафот этган.



3 декабрь куни Бухоро шаҳрида яшовчи Б. Қурбоновлар хонадонда печдан газ иси чиқади. Ундан заҳарланган хонадон эгаси касалхонада ҳаётдан кўз юмган.

6 декабрь куни Тошкент шаҳри Чилонзор туманида яшовчи Т. Холқўзиев ва унинг турмуш ўртоғи С. Аҳмедова ҳам газ исидан заҳарланганлар. Т. Холқўзиев воқеа жойида вафот этган.

Айтиб ўтиш лозимки, сўнгги кунларда бу печ-

май, улардан нотўғри фойдаланишлари натижасида ҳам кўплаб кўнгилсизликлар юзага келмоқда.

Жорий йилнинг 19 ноябрь куни Андижон вилояти Марҳамат шаҳарчасида яшовчи З. Ҳасановнинг хонадонда газ плитасини ёқиб, назоратсиз қолдирилган ва аланга плита ёнидаги буюмларга ўтиб, ёнгин содир бўлган. Офат туфайли уйнинг томи, шифти ва жиҳозлар ёниб кетган.

Тошкент шаҳрида

## БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Сирдарё вилояти ИИБ ҲООб вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2006 йил 11 ноябрь куни Гулистон шаҳрида қаровсиз юрган 9-10 ёшлардаги ўғил бола олиб келинган. Бола ўзини **Аҳмад** деб таништирган. Ота-онаси, яшаш манзили ҳақида маълумот бера олмади.

**Белгилари:** бўйи 120 см, ўртача гавдали, сочлари сарғиш, кўзлари жигарранг, қошлари сийрак, қулоқлари ёпишган.

**Кийимлари:** эгнида тўқ сиёхранг свитер, қора рангли, оқ йўли бор костюм, қора шим, оёғида қора ботинка бор.

Боланинг ота-онаси ёки қариндошлари Гулистон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 8(367)227-61-81



## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан 1992 йилда туғилган **Ғолиб Нурхонович ЭННАЕВ** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У Қашқадарё вилояти Косон тумани Арабхона қишлоғида яшаган. 2006 йил 22 ноябрь куни Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Охунбобоев даҳаси А. Бобожонов кўчаси 22-уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи, қошлари, кўзлари қора, бурни япалоқроқ, қулоқлари ўртача.

**Кийимлари:** эгнида қора камзул, жемпер, кўк жинс шим, бошида кулранг спорт қалпоғи, оёғида қора ботинка бўлган. Спорт халтаси олиб юриши мумкин.

**Алоҳида белгиси:** чап оёғи болдир қисмининг ички тарафида 4-5 см катталикда шиш бор.

Вояга етмаган Ғолиб Эннаевни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд С. Раҳимов тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

Тел: 398-40-59, 396-66-67.




Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Ромитан тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор

**Шомурод**  
**НАМОЗОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

БИР КУНИ...

# БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...



Ашраф қитмирнинг ўта зиқна, ҳасадгўй кўшниси бўлганди. Ҳар икки кўшни ҳовлининг этак томонидаги чегарада бир туп ўрик дарахти бўлиб, шоҳларининг бир қисми Ашраф қитмир хонадони томонга ўсиб кетган, ўрик пишди дегунча зиқна кўшни ҳар куни териб олиш учун чиқарди. Яна бир томони, дарахт сояси Ашраф қитмир томонга тушгани учун ҳовлидаги экин яхши ривожланмай қоларди.

Навбатдаги ўрик пишиғида яна ўша ҳолат бошланди. Эрталаб, пешинда, кечки пайт кўшниси хотини билан челақ кўтариб чиқавериб, Ашраф қитмирнинг асабини бузишди. Бир чора кўрмасам бўлмайди, дея Ашраф қитмир ток тагидаги сўрини ўрик

тагида, кўшни деворига яқин жойга кўчиради.

Ўрик тергани чиққан кўшниси чиқиб келганда Ашраф қитмир сўрида ёнбошлаб олган, тепасида тўрқовоқда бедана сайрар, тақсимчадаги уч-тўртта ўрикни еб ётарди.

— Кўшни, ўрикни мен учун эккан экансиз, шу дамгача билмаган эканман. Роса роҳатижон жой бўлибди. Шабдани айтмайсизми, ўрикнинг соясидан ҳам меваси зўр экан. Ёз чилласини шу ерда ўтказаман, — деди масҳараомуз кулиб.

Шу кундан кўшннинг ҳаловати йўқолди. Дам девордан мўралар, дам челақ кўтариб

чиқиб, тўкилган ўрикларни терар, Ашраф қитмирнинг ўрик соясида ёнбошлаб ётиши ҳасадини кўзгарди.

Кечки пайт шаҳардан меҳмон келгани учун Ашраф қитмир ўша сўрига жой солдиради. Меҳмонлар роса гурунглашиб, аския айтишиб, ярим тунгача ўтиришади. Унинг устига магнитофон овози тинмайди.


Ўша тунда ҳасадгўй кўшни тиканга ағанагандай бўлиб, тонг оттиради.

Эрталаб Ашраф қитмир кўшни томондан келаётган болта овозидан уйғонди. Қараса, кўшниси ўрикнинг кўшни томонга ўсган шоҳларини чопарди...

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** азиз газетхонлар, юқоридаги каби ҳаётингизда юз берган ажабтовур воқеаларни бизга ёзиб юборинг. Энг яхши ҳикоя муаллифи махсус соврин билан мукофотланади.


## СТЕРЕО-ТАСВИР



Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубҳамиз йўқ. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва интилиш бўлса бас.

Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чаплана бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган ҳолда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шунда кичик «мўъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намоён бўлади ва сиз ажойиб шаклни гўзал бир манзарада кўрасиз.

Ўтган сонда берилган стерео-тасвирнинг жавоби



Аскарларнинг очилади кулф диллари,  
Хат ёзсалар ота-она, сингиллари.  
Ҳар сатридан илҳом олиб, куч олиб,  
Ватан учун ёниб турар кўнгиллари.

## ҲАДИСИ ШАРИФДАН

Кимки бойиш мақсадида одамлардан тамағирлик қилса, демак жаҳаннам ўтидан ўзи учун насиба тайёрлаган бўлади. Уни кўпайтириш ёки озайтириш қанчалик тама қилишига боғлиқдир.

\*\*\*

Биродари билан бир йил аразлашиб юришлик — унинг қонини тўкиш билан баробардир.

\*\*\*

Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Тангридан ҳам уялмайди.

\*\*\*

Мўминлар келишилган шартномага қатъий риоя қиладилар.

\*\*\*

Макру ҳийла ва хиёнатнинг жойи дўзахдир.

\*\*\*

Гуноҳга пушаймон бўлиш ҳам тавба ҳукмидадир.

\*\*\*

Биродаринг бирор оғир аҳволга тушиб турганда сен унинг устидан кулма. Агар кулсанг Тангри унга марҳамат қилиб, оғирини енгил қилиши ва унинг кунини сенинг бошингга солиб қўйиши мумкин.

\*\*\*

Бадбахт одамдагина раҳму шафқат бўлмайди.

## ДЕТЕКТИВ-ТОПШИРИҚ

### ИККИ ДЎСТНИНГ ҚУВНОҚ БАҲСИ

— Мен, — деди биринчиси. — Худди шу ердан туриб чироқни ўчираман. Чироқ тугмачасига қараб ҳеч нарса отмайман, лампочкани синдирмайман, лекин ўчира оламан.

— Қўлингдан келмайди, — дебди иккинчиси. — Лекин, майли, кел, «хунар»ингни бир синаб кўрайлик.

Иккови ҳам келишиб олишгач, биринчи дўст хонанинг бир бурчагига бориб ўтирибди ва ўша ердан туриб, чироқни ўчирибди.

### Савол: у бу ишни қандай бажарди?

Газетамизнинг ўтган сонидан чоп этилган детектив-топшириқнинг жавоби: табиатнинг ажойиб қонунига кўра қаттиқ совуқ вақти дераза ойналари ташқаридан эмас, ичкаридан музлайди. Демак, ўз-ўзидан аёнки, кўшни ёлғон гапиряпти.

Эркин САТТОРОВ тайёрлади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 29 декабрь жума куни чиқади.

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir  
vazifasini bajaruvchi  
Ulug'bek MAMADALIYEV

Mas'ul kotib:  
Erkin SATTOROV  
Navbatchi:  
Azizjon FAYZIYEV

Sahifalovchi: Zokir Boltayev  
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning  
shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda  
uchrashguncha xayrl



MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001, MFO  
00421. «Ipaq yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007  
raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-3147 Bosilish - ofset usulida. Hajmi  
- 6 bosma taboq. 55202 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda  
- 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga  
topshirildi - 23.00. (N) - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.